

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОЛИМОВ МУХСИНБЕК СОТИВОЛДИЕВИЧ**

**ЮГУРИШ ТУРЛАРИДА ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИ ТАЛАБАЛАРНИ  
ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулотини назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ-2023**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Олимов Мухсинбек Сотиволдиевич**

Югуриш турларида энгил атлетикачи талабаларни тайёрлашнинг илмий – педагогик асослари.....3

**Олимов Мухсинбек Сотиволдиевич**

Научно-педагогические основы подготовки студентов-легкоатлетов в беговых видах.....37

**Olimov Mukhsinbek Sotivoldiyevich**

Scientific and pedagogical basis of athletics students training in running events.....75

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....79

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОЛИМОВ МУХСИНБЕК СОТИВОЛДИЕВИЧ**

**ЮГУРИШ ТУРЛАРИДА ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИ ТАЛАБАЛАРНИ  
ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЛМИЙ – ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ-2023**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1. DSc/Ped73 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.zionet.uz](http://www.zionet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Тажибаев Сойибжон Самижонович**  
педагогика фанлари доктори (DSc), профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алламуратов Шухратулла Иноятович**  
биология фанлари доктори, доцент

**Кошбахтиев Илдар Ахмедович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Зотова Фируза Рахматулловна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370) 717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: [www.jtsu.uz](http://www.jtsu.uz), e-mail: [jtsu@uzdjtsu.uz](mailto:jtsu@uzdjtsu.uz). Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “В” биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел: (0-370) 717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2023 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М.Р.Болтабаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**М.Х.Миржамолов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, педагогика фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Ф.А.Керимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси ўринбосари, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё спорт амалиётида енгил атлетика спорт тури бўйича ўтказилаётган мусобақаларда спорт рақобатининг кучайиб бораётганлиги спортчилар тайёрлаш тизимини янги технологиялар асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Енгил атлетиканинг югуриш турлари бўйича юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимида спортчиларнинг комплекс тайёргарлигини такомиллаштириш бугунги кунда жаҳон миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифалардан саналмоқда. Югуриш турларида спортчиларни кўп йиллик тайёргарлик босқичларига саралаш ва тор ихтисосликка йўналтириш, машғулот жараёнларини режалаштириш, нуфузли спорт мусобақаларига тайёрлаш жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Ўтказилаётган йиллик тайёргарликнинг босқич ва даврларида машғулотларни олиб бориш, спортчиларнинг жисмоний, техник-тактик, функционал, психологик ва интеграл тайёргарлигини такомиллаштириш, машғулот ва мусобақа фаолиятида спорт формасини ушлаб туриш каби вазифаларни ҳал этиш талабини қўймоқда.

Жаҳонда спортчилар тайёрлаш тизимида спорт турларига саралаш, тор ихтисосликка йўналтириш, тайёргарликнинг турли босқичлари ва даврларида уларни спорт мусобақаларига тайёрлаш, тренировка машғулотларини тўғри ташкил қилиш, машғулот вазифаларидан келиб чиқиб спортчиларнинг тайёргарлик машғулотларини бошқаришда улар организмнинг анатомик-физиологик ҳамда психологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда машғулот юкламаларини тақсимлаш, шунингдек, режалаштириш юзасидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Спортчиларни тайёрлаш тизимида кўпчилик мутахассислар томонидан йиллик ва кўп йиллик тайёргарликнинг истиқболли режалари ишлаб чиқилмоқда. Аммо шундай бўлсада, жаҳон чемпионатлари, кубок мусобақалари ва Олимпиада ўйинларида янги спортчиларни етишиб чиқаётганлиги доимий равишда тайёргарлик дастурларини йилдан – йилга такомиллашган вариантларини ишлаб чиқиш заруратини кўрсатмоқда.

Республикамизда жисмоний тарбия ва спортга, айниқса, олимпия спорт турларини ривожлантириш ва оммавийлаштиришга устувор йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда. “Барча спорт турларини ривожлантириш орқали ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар сонини кўпайтириш, 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига спортчиларимизни ҳар томонлама тайёрлаш ва муваффақиятли иштирокини таъминлашнинг долзарб вазифалари кўрсатиб ўтилган.<sup>1</sup> Мамлакатимиз енгил атлетикачиларини юқори спорт натижаларига эришишида уларни илмий жиҳатдан методикалар билан таъминлаш соҳада муҳим ўрин эгаллаш билан бирга, уни доимий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ-№5281-сонли “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида» қарори. Халқ сўзи. 2021 йил. 11 ноябрь, 4-бет.

такомиллаштириб боришни талаб қилмоқда. Енгил атлетиканинг югуриш турларида захира спортчиларини тайёрлаш ва улар орасидан миллий терма жамоага иқтидорли-истикболли спортчиларни саралаб олиш ва тайёргарлигини илмий асосда ташкил этиш асосий вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Бугунги кунгача ўтказилган тадқиқот ишларида қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларни тайёрлаш бўйича машғулот юкламаларининг ҳажм ва шиддатлари, бажаришлар сони, аэроб, аралаш ҳамда анаэроб режимдаги юкламаларнинг тақсимланиши бўйича методикалар ишлаб чиқилган бўлсада, аммо талаба-спортчиларни комплекс тайёрлаш юзасидан махсус тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган. Спортчиларни комплекс тайёрлашда индивидуал хусусиятларини инобатга олиб ўқув-машғулот юкламалари компонентларининг тўғри тақсимланишини илмий-педагогик жиҳатдан асослаб бериш соҳа олимлари ва мутахассисларининг олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ-№5281-сон “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги 118-сон “2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни иштимой-ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишга боғлиқ ҳолда амалга оширилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Спортчилар тайёрлаш тизимининг кўп йиллик тайёргарлик босқичларида спортчиларни тайёрлаш бўйича кўплаб хорижий олий ўқув юртлари, жумладан, Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети [Россия Федерацияси, Москва], Волгоград давлат жисмоний тарбия академияси [Россия Федерацияси, Волгоград], Украина миллий жисмоний тарбия ва спорт университети [Киев, Украина], Англия спорт институти [Буюк Британия];

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи қуйидаги сайтлар базасида амалга оширилган: [www.lesgaft.spb.ru/](http://www.lesgaft.spb.ru/); <https://science.sportedu.ru/>; [https://wiki5.ru/wiki/English\\_Institute\\_of\\_Sport](https://wiki5.ru/wiki/English_Institute_of_Sport); [https://www.sportedu.ru.](https://www.sportedu.ru/); <https://euni.ru/vuzy/germaniya/rejnland-pfalts/majnts/uni-mainz>; <http://unifirst.ru/ru/>;

Йоханес Гуттенберг номидаги Майнц университети [Германия]; П.Ф.Лесгафт номидаги Санкт-Петербург миллий давлат жисмоний маданият, спорт ва саломатлик университети [Санкт-Петербург], Кардифф пойтахт университетида [Буюк Британия] энгил атлетикачи спортчиларни тайёргарликнинг турли босқичларида комплекс тайёрлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Спортчиларнинг жисмоний, функционал, техник-тактик ва психологик тайёргарликлари бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор методикалар ишлаб чиқилган ва амалиёт жараёнига татбиқ этилиб, энгил атлетика бўйича олий ўқув юртлари ва олий спорт маҳорати мактаблари учун тайёргарлик дастурларини ишлаб чиқиш натижасида турли тайёргарликка эга бўлган спортчиларнинг интеграл тайёргарлиги такомиллаштирилиб, натижада, югуриш турларида юқори спорт натижаларига эришиш имконияти кенгайтирилган [Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети, Россия Федерацияси, Москва], қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югуриш турлари билан шуғулланувчи юқори малакали спортчиларнинг кўп йиллик тайёргарлигини истиқболли режалаштириш натижасида иқтидорли спортчилар томонидан рекорд натижаларга эришилган [Волгоград давлат жисмоний тарбия академияси, Россия Федерацияси, Волгоград], олимпия спорт турлари бўйича кўп йиллик тайёргарлик босқичларида спортчилар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш методикаси ишлаб чиқилган. Натижада югуриш турлари билан шуғулланувчи юқори малакали спортчиларнинг машғулот ва мусобақа жараёнини бошқариш, назорат қилиш имкониятлари оширилган [Украина миллий жисмоний тарбия ва спорт университети, Киев, Украина]; энгил атлетиканинг югуриш турларида ёш спортчиларни мусобақаларга тайёрлаш ва машғулот жараёнларида янги инновацион технологияларни қўллаш натижасида спортчиларнинг функционал ва техник-тактик тайёргарликлари такомиллаштирилган [Англия спорт институти, Буюк Британия]; энгил атлетика бўйича олий тоифали мураббийларни тайёрлашда истиқболли режалаштириш ва кўп йиллик тайёргарлик босқичлари учун тайёргарлик дастурлари асосида амалиётга жорий этиш методикаси ишлаб чиқилиб, натижада, энгил атлетиканинг югуриш турлари бўйича малакали мураббийларни тайёрлаш самарадорлиги оширилган [Йоханес Гуттенберг номидаги Майнц университети, Майнц, Германия]; спортчиларни кўп йиллик тайёргарлик босқичларига саралаб олишда генетик омилларнинг таъсири ўрганилиб, натижада, иқтидорли-истиқболли спортчиларни спорт турларига саралаб олиш имкониятлари оширилган [П.Ф.Лесгафт номидаги Санкт-Петербург миллий давлат жисмоний маданият, спорт ва саломатлик университети, Санкт-Петербург]; ёшларнинг жисмоний ривожланиш модел кўрсаткичлари ҳамда эркак ва аёлларнинг жисмоний ривожланишига комплекс ёндашув асосида “Ёшларнинг жисмоний ривожланиш модели” методикаси ишлаб чиқилиши натижасида спортчиларни югуриш турларига танлаб олиш, уларни тор ихтисосликка йўналтириш самарадорлиги аниқланган [Кардифф пойтахт университети, Буюк Британия].

Дунёда спортчиларнинг жисмоний, функционал, техник-тактик, психологик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича қатор устувор

йўналишларда тадқиқотлар энгил атлетиканинг югуриш турлари бўйича машғулот жараёнини кўп йиллик тайёргарлик босқичларида комплекс тайёргарлигини ошириш асосида мусобақаларга тайёрлаш ҳамда турли иқлим шароитларига организмнинг мослашуви микро-, мезо- ва макроциклларда юкламаларнинг тақсимланиш нисбатлари, машғулот жараёнида югуриш шиддати, бажарилиш суръатлари, югуриш техникаси ва тактикаси, мусобақаолди тайёргарлиги, мусобақа жараёнида машғулотларни олиб бориш, ўтиш даврида организмни тиклаш воситалари, юкламаларнинг парциал ҳажмларини меъёрлаш методикаларини ишлаб чиқиш, машғулотларни инновацион технологиялар асосида бошқариш, спортчиларни саралаш ва йўналтириш, спортчиларнинг психологик ва физиологик тайёргарлигини ривожлантириш, янги инструментал методикалар бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** A.Lydiard, & G.Gilmour, D.Trowell, E.Phillips, & J.Bonacci<sup>3</sup> югуриш турларида чидамкорлик сифатини ривожлантириш баробарида тезкорликни ошириш методикаси ва спортчиларнинг техник тайёргарлигини такомиллаштириш методикаларини амалиётга жорий этган.

Ф.П.Суслов, Н.Г.Озолин, Э.С.Озолин, В.Б.Зеличонок, В.П.Черкашин, О.И.Павлова, А.И.Жилкин, В.В.Ивочкин, Л.П.Матвеев, В.Г.Никитушкин ва бошқалар томонидан спортчиларнинг йиллик ва кўп йиллик тайёргарлик босқичларида комплекс тайёрлаш бўйича машғулот юкламаларини режалаштириш ва бошқариш тизимини илмий асосда ишлаб чиққан<sup>4</sup>. Спортчилар тайёрлаш тизимида спортчиларнинг техник тайёргарликлари ва уларни машғулот жараёнларида такомиллаштириш юзасидан О.М.Мирзоев,

---

3 Lydiard A., & Gilmour G. (2000). Running With Lydiard. Meyer & Meyer Sport. 200. P. Trowell D., Phillips E., & Bonacci J. (2017a). Economy, biomechanics and performance in female middle distance runners (Conference abstract). In International sports biomechanics – P. 323.

4 Суслов Ф.П., под ред. Современная система спортивной подготовки / [и др.]. – М.: САМ, 1995. – 448 с. Озолин, Н.Г. Настольная книга тренера: Наука побеждать / Н.Г.Озолин. – М.: Астрель, 2004. – 863 с; Павлова О.И. Педагогическая технология управления содержанием и структурой многолетней подготовки юных спортсменов в беговых видах легкой атлетики: автореф. дис...д-ра пед. наук / О.И.Павлова. - М., 2005. – 46 с.; Жилкин А.И. Легкая атлетика: учеб пособие для студентов вузов, обучающихся по спец. 033100 - Физ. культура: доп. Умо по спец. пед. образования / А.И. Жилкин, В.С. Кузьмин, Е.В. Сидорчук. 3-е изд., стер. -М.: «Академия», 2006. - 464 с.; Халмухамедов Р.Д. Бокс. – Т.: Lider Press, 2008. – 315 с.; Ивочкин В.В., Травин Ю.Г., Королев Г.Н., Семаева Г.Н. Легкая атлетика: бег на средние и длинные дистанции, спортивная ходьба: Примерная программа спортивной подготовки для детско-юношеских спортивных школ, специализированных детско-юношеских школ олимпийского резерва. – М.: Советский спорт, 2009. – 108 с. Озолин, Э.С. Спринтерский бег / Озолин Э.С. – М.: Человек, 2010. – 176 с.; Матвеев Л.П. Общая теория спорта и ее прикладные аспекты: Учеб. для вузов ФК / Л.П.Матвеев. – 5-е изд., испр. и доп. – М.: Сов. спорт, 2010. – 340 с.; Никитушкин В.Г. Спорт высших достижений: теория и методика. учебное пособие для студентов, аспирантов, тренеров, преподавателей физического воспитания. / В.Г.Никитушкин, Ф.П.Суслов. – Москва: Спорт, 2017. – 320 с., Тўхтабоев Н.Т., Шакиржанова К.Т., Солиев И.Р. Қисқа масофага югуриш. Ўқув қўлланма. –Т.: 2017. – 186 б.; Тажибаев С.С. Ўсмир яккакурашчиларнинг комплекс тайёргарлигида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикасини илмий-педагогик асослаш. фан доктори DSc 13.00.04 диссертацияси автореферати / ЎзДЖТИ. – Чирчик: 2018. – 77 б.; Зеличонок В.Б., Черкашин В.П., Привалова И.А., Типовая программа спортивной подготовки по виду спорта «легкая атлетика» для этапов тренировочного (спортивной специализации), совершенствования спортивного мастерства, высшего спортивного мастерства. – М.: 2020. – 427 с.



А.С.Чинкин, Н.Г.Никитушкин, Н.Н.Чесноков, М.А.Самсонов, В.Н.Платонов, В.М.Маслаков ва бошқалар тадқиқотлар олиб борганлар<sup>5</sup>.

Маҳаллий олимлардан Х.Т.Рафиев, Р.Қудратов, К.Т.Шакиржанова, Н.Т.Тўхтабоев, Б.Т.Хайдаров, М.Ж.Абдуллаев, И.Р.Солиев, У.И.Султонов, Р.А.Бурнашевлар югуриш турларида машғулотларни режалаштириш ва бошқариш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган.

Спортчиларни тайёрлашда функционал тайёргарликнинг ўрни ва аҳамияти бўйича катор олимлар П.Янсен, Е.Б.Мякинченко, Д.Ж.Сафарова В.Б.Парамзин, Т.В.Самоленко, В.Sperlich, А.Б.Мирошниковлар<sup>6</sup> йиллик тайёргарлик циклларида машғулот юкламаларини режалаштиришда функционал тайёргарликни машғулотдан олдин ва машғулотнинг асосий қисмида юрак уриш сони, артериал қон босими, ўпканинг тириклик сифими, нафас олиш частотаси, нафас олиш сони ва ишчанлик қобилиятини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борган.

Йиллик тайёргарлик циклларида микро-, мезо- ва макроциклларида машғулот юкламаларининг тақсимланиши, жисмоний сифатларни ривожлантириш Р.Д.Халмухамедов, Ф.А.Керимов, Р.М.Маткаримов, И.А.Кошбахтиев, И.Р.Солиев, О.В.Гончарова ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда асослаб берилган<sup>7</sup>.

---

<sup>5</sup> Мирзоев О.М. Индивидуальная соревновательная деятельность высококвалифицированных легкоатлетов. Спринтерский и барьерный бег: метод. пособие / О.М. Мирзоев, В.М. Маслаков, Е.П. Врублевский; Рос. гос. унв. физ. культуры, спорта и туризма, Всерос. федерация легкой атлетики. – М., 2005. – 77 с.: табл.; Чинкин, А.С. Основы подготовки бегунов на длинные дистанции: метод. пособие / А.С. Чинкин, М.Н. Чинкин, Ф.Р. Зотова. – М.: Физическая культура, 2008. – 128 с.; Никитушкин, В.Г. Многолетняя подготовка юных спортсменов: монография / В.Г. Никитушкин. – Москва: Физическая культура. 2010. – 240 с., Чесноков Н.Н. Профессиональное образование в области физической культуры и спорта: Учеб. для вузов / Н.Н. Чесноков, В.Г. Никитушкин. – М.: Физ. культура, 2011. – 400 с.; Самсонов М.А. Коррекция техники низкого старта легкоатлетов-спринтеров I-II разрядов на основе оптимизации стартовой позы. Дисс. ... кан. пед. наук. 13.00.04 / Самсонов, Михаил Александрович, Санкт Петербург 2013. – 163 с., Barnes, K.R. Strategies to improve running economy / K.R. Barnes, A.E. Kilding // Sports Medicine. – 2014. – P. 37-56.; Платонов, В.Н. Система подготовки спортсменов в олимпийском 350 спорте. Общая теория и ее практические приложения: учебник тренера высшей квалификации / В.Н. Платонов. – Киев: Олимпийская литература, 2015. – 680 с.; Маслаков, В.М. Соревновательная деятельность в беге на короткие дистанции, эстафетном и барьерном беге: технические и тактические аспекты спортивного мастерства легкоатлетов: метод. рекомендации / В.М. Маслаков, О.М. Мирзоев. – Воронеж: Научная книга, 2016. – 199 с.

<sup>6</sup> Янсен П. ЧСС, лактат и тренировки на выносливость: Пер. с англ. – Мурманск: Издательство Тулома, 2006. – 160 с.; Мякинченко, Е.Б. Развитие локальной мышечной выносливости в циклических видах спорта / Е.Б. Мякинченко, В.Н. Селуянов. – Москва: ТВТ-Дивизион, 2005. – 338 с.; Safarova D.D. Anatomiyu: Darslik. I tom. ITA-PRESS nashriyoti. – Ch.: 2018. – 460 b; Парамзин, В.Б. Различия в реакции дыхательной системы бегунов на средние и длинные дистанции и их влияние на скорость восстановления / В.Б. Парамзин, В.З. Яцык, С.В. Пунич, И.В. Нюняев // Физическая культура, спорт - наука и практика. 2018. - № 4. – С. 52-57.; Самоленко Т.В. Методика индивидуального планирования спортивной подготовки легкоатлетов высокой квалификации, специализирующихся в беге на средние и длинные дистанции / Т.В. Самоленко. – М.: Спорт, 2016. – 248 с.; Sperlich, V. Marathon running: physiology, psychology, nutrition and training aspects / V. Sperlich // Physiological aspects of marathon running. 2016. – P. 1-12, Мирошников, А.Б. Антропометрические индексы у спортсменов силовых видов спорта с артериальной гипертензией / А.Б. Мирошников, А.В. Смоленский, О.И. Беличенко // Вестник новых медицинских технологий. 2017. – Т.: № 3 – С. 167-170.

<sup>7</sup> Халмухамедов Р.Д. Технология оптимизации учебно-тренировочного процесса единоборцев. \ монография. – Ташкент, 2009. – 158 с.; Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва услубияти. Тошкент, 2007. – 330 б.; Маткаримов Р.М. Юқори малакали оғир атлетикачиларни кўп йиллик тайёрлашнинг илмий-назарий асослари. п.ф.д. (DSc)...дисс.автореферати. Чирчик, 2022. – 76 б.; Кошбахтиев И.А., Эрдонов О.Л. Реакция

Қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларни югуриш техникасига ўргатиш методикаси бўйича тадқиқотлар олиб борган Н.Г.Озолин, А.И.Жилкин, Н.Н.Чесноков, J.Bangsbo, A.Kitlas, Н.Т.Тўхтабоев ва бошқа олимлар<sup>8</sup> томонидан югуриш техникасини вазифалар кетма-кетлигида ва қадамлаб ўргатиш методикалари амалиётга татбиқ этилган.

Илмий-услубий адабиётлар таҳлилидан аниқланишича, енгил атлетика бўйича спортчилар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан махсус тадқиқотларда қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчиларнинг югуриш турларида комплекс тайёргарлигини ошириш борасида илмий тадқиқотлар етарлича олиб борилмаганлиги аниқланди. Бу эса мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №29/1 “Жисмоний тарбия ва спортнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, уни янгилаш тактикаси ва стратегияси” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** енгил атлетиканинг югуриш турларида талаба-спортчиларни комплекс тайёрлаш услубиятини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қисқа масофага югурувчи талаба-спортчиларнинг стартдан чиқиш реакциясини аниқлаш ва методика асосида такомиллаштириш;

қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчиларнинг функционал ва техник тайёргарлигида югуриш каденси, энергия сарфи ва югуриш темпини аниқлаш;

талаба-спортчиларнинг тактик тайёргарлик даражасини аниқлаш ва уни такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқиш;

ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчиларнинг йиллик тайёргарлик босқич ва даврларида машғулот юкламаларини режалаштиришнинг такомиллашган вариантини ишлаб чиқиш;

югурувчиларни тоифа меъёрларидан келиб чиқиб, жорий, оралик, мусобақаолди ва мусобақа цикллари учун педагогик назорат қилиш шкаласини ишлаб чиқиш;

---

сердечно-сосудистой системы на соревновательные и тренировочные нагрузки спортсменов по мини-футболу. Молодой учёный Ежемесячный научный журнал №7 (54) / 2013. г.Чита (Москва)., – С. 451-455.; Солиев И.Р. Қисқа масофага югурувчиларининг йиллик тайёргарлик машғулотларини режалаштириш. п.ф.б.ф.д. (PhD) диссертацияси // - Ч.: 2019. – 146 б.; Гончорова О.В. Болалар жисмоний сифатларини ривожлантириш. – Т.: 2005. – 171 б.

<sup>8</sup> Bangsbo. J. Running & Science / J. Bangsbo, H. Larsen. Institute of Exercise and Sport Sciences, 2000. – 177 p.; Озолин Н.Г. Настольная книга тренера. Наука побеждает / М.: Астрель, 2004. – 863 с.; Kitlas A. Nonlinear dynamics methods in the analysis of the heart rate variability / A. Kitlas, E. Oczeretko, M. Kowalewski / Roczniki Akademii Medycznej w Białymstoku. 2005. – Vol.50. – P. 46-47.; Жилкин А.И. Легкая атлетика: учеб пособие для студентов вузов, обучающихся по спец. 033100 – Физ. культура: доп. Умо по спец. пед. образования / А.И. Жилкин, В.С. Кузьмин, Е.В. Сидорчук. 3-е изд., стер. – М.: «Академия», 2006. – 464 с

қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчиларнинг комплекс тайёргарлигини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш ва педагогик тажрибада самарадорлигини илмий асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ЎзДЖТСУ енгил атлетика ихтисослиги қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчилар машғулоти жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни енгил атлетикачи талаба-спортчиларини йиллик тайёргарлик босқичларида комплекс тайёргарлигини ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда педагогик кузатув, илмий-услубий адабиётлар таҳлили, анкета сўровномаси, педагогик тестлаш, пульсометрия (“Polar h10”, “Polar M430” Beurer PM90 технологиялари), антропометрия (биоимпедансометрия – тана таркибини аниқлаш «Mi Body Composition Scale 2»), инструментал усул (мобил электрон стартёр), педагогик тажриба ва математик статистика усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

қисқа масофага югурувчи талаба-спортчиларнинг стартдан чиқиш реакцияси ишлаб чиқилган мобил электрон стартёр ускунаси ёрдамида ҳар хил вақт оралиғида турли старт буйруқлари ва сигналларини қўллаш ҳисобига стартдан чиқиш техникаси такомиллаштирилган;

қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчиларнинг функционал ва техник тайёргарлигини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган “кўп бўғимли пампинг” (қисқа масофага югуришда катта амплитудада, ўрта масофага югуришда ўртача амплитудада, узоқ масофага югуришда кичик амплитудада тана аъзоларини букиб-ёзиш машқлари комплекси) комплекс усулини қўллаш ҳисобига талаба-спортчиларнинг югуриш каденси оптималлаштирилиб, тежамли энергия сарфи ва югуриш темпини ўзлаштириш имкониятлари кенгайтирилган;

қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчилар учун спорт тоифасидан келиб чиқиб, тайёргарликнинг турли босқичларида белгиланган масофани турли тезликда югуриб ўтишда вақт билан масофани (ҳис қилиш) белгилаб бериш ҳисобига тактик тайёргарлик даражаси такомиллаштирилган;

ўрта ва узоқ масофага югурувчи талаба-спортчиларнинг йиллик тайёргарлик босқичлари ва даврларида аэроб, аэроб-анаэроб, анаэроб юкламаларни турли микроциклларда субмаксимал ва максимал шиддат зоналарида режалаштириш кейинги микроциклда регрессив-пассив нисбатда юкламаларни оптималлаштириш ҳисобига йиллик тайёргарлик машғулоти такомиллаштирилган;

турли масофаларга югурувчиларнинг спорт тоифаси даражасини инобатга олиб, жорий, оралик, мусобақаолди ва мусобақа даврларидаги кўрсаткичлари асосида кейинги босқичга ўтиш имконини берувчи педагогик назорат қилиш (қисқа масофага югурувчилар учун тезкор-куч, ўрта масофага югуришда тезкор-чидамлик, узоқ масофаларга югурувчиларга махсус чидамликни баҳолаш) шкаласини машғулоти киритиш ҳисобига талаба-

спортчилар тайёргарлигини бошқариш ва спорт натижаларини башорат қилиш имкониятлари кенгайтирилган;

қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш машғулотларида ишлаб чиқилган (жисмоний сифатларни ривожлантирувчи таъқиб қилувчи югуриш, алмашлаш, ўзгарувчан ва такрорий, дам олиш, оралиқли усулларни меъёрлаштириш) машқлар комплексини қўллаш ҳисобига тайёргарлик даражаси такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларни йиллик тайёргарлик босқич ва даврларида машғулотлар мазмунига мос равишда юкламаларнинг оптимал тақсимланиши талаба спортчиларнинг спорт натижаси юксалишига ҳизмат қилган;

қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчилар тана ўлчамларининг техник тайёргарлигини ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилган ва мобил электрон стартер ускунаси яратилиб, унинг амалиётда қўлланилиши натижасида талаба-спортчиларнинг старт, стартдан чиқиш, масофа бўйлаб югуришдаги техник тайёргарлиги такомиллаштирилган;

қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчиларни тотал ва парциал кўрсаткичлари ҳамда мушак массасининг фоиз нисбатлари функционал тайёргарлигини инобатга олиб ишлаб чиқилган жисмоний тайёргарликни ривожлантириш методикаси асосида талаба-спортчиларнинг жисмоний ривожланиши, жисмоний тайёргарлиги ва функционал ҳолати машғулотдан-машғулотга аэроб, аэроб-анаэроб ва анаэроб зоналарда иш бажариш имкониятлари ва тезкор-куч, тезкор-куч чидамлилиги, махсус чидамлилиқ ҳамда портловчи куч сифатлари такомиллаштирилган;

қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги бўйича олинган натижаларини корреляцион боғлиқлик даражаси аниқланган;

қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчиларнинг, югуриш қадамлар каденси, энергия сарфи ва югуриш темпи ишлаб чиқилиб, югуриш методикаси асосида спорт натижаларини юксалтириш имкониятларини кенгайтирилган;

қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчилар учун ишлаб чиқилган жисмоний сифатларини ривожлантириш методикаси ва педагогик назорат қилиш шкаласидан фойдаланиш асосида спортчилар тайёргарлигининг босқич ва даврларида бошқариш ва назорат қилиш имкониятлари оширилган;

қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчиларнинг комплекс тайёргарлигини ривожлантириш методикасининг умумий қабул қилинган методикага нисбатан афзаллиги педагогик тажрибада исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган илмий ёндашувлар, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, билишнинг диалектик методи ҳамда жисмоний тарбия ва спорт назарияси ва методикаси соҳасидаги

чет эл мутахассисларининг, шунингдек, республикамиздаги олий ўқув юртлари талаба-спортчилари билан энгил атлетиканинг қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югуриш турларида ўқув-машғулотларни олиб борувчи мураббийларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб борувчи тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги, тадқиқот муаммосига объект ва предметнинг мослиги, таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги, хулосалар, таклифлар ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Энгил атлетиканинг қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчилар билан ўтказиладиган спорт машғулотларида уларнинг жисмоний ривожланиши, функционал, техник, тактик ва жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларининг ўзаро корреляцион боғлиқликни ташкил қилиши билан бегиланади.

Талаба-спортчиларнинг тактик тайёргарлигини уларнинг квалификациясини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган методика асосида ривожлантириб, машғулот ва мусобақа жараёнларида жорий, оралик, мусобақаолди ва мусобақаларда педагогик назорат қилиш шкалалари ва мобил электрон стартёр ускунаси ишлаб чиқилиб, амалиёт жараёнида қўллаш натижасида югуриш турларида малакали спортчиларни тайёрлаш учун хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Энгил атлетикачи талаба-спортчиларнинг комплекс тайёргарлигини ривожлантириш методикасини илмий-педагогик асослаш бўйича олинган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

қисқа масофага югурувчи талаба-спортчиларнинг стартдан чиқиш реакциясини ошириш учун ишлаб чиқилган мобил электрон стартёр ускунаси ёрдамида ҳар хил вақт оралиғида турли старт буйруқлари ва сигналларни қўллаш бўйича таклифлар «Яккакураш, координацион ва циклик спорт турлари (Энгил атлетика)» номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сон буйруғига асосан 434-316 рақамли гувоҳнома). Натижада, қисқа масофага югурувчиларнинг стартдан чиқиш реакцияси тезлиги 5,9% га, қадамлар узунлиги ва частотаси ривожланиш ҳисобига спорт натижаси 5,3% га яхшиланган;

қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчиларнинг функционал ва техник тайёргарлигини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган “кўп бўғимли пампинг” комплекс усулини қўллаш методикаси ЎзДЖТСУ энгил атлетика ихтисослиги талабаларининг «Спорт педагогик маҳоратини ошириш» фанини ўқитиш жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 24 июндаги 06-13/2850-сон маълумотномаси). Натижада, ўрта масофага югурувчи талаба-спортчиларда

тезкор чидамлилиги 8,8% га, умумий чидамлилик 5,7%, узоқ масофаларга югурувчиларда 12,5% га натижанинг ўсиши таъминлаган;

ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчиларнинг йиллик тайёргарлик босқич ва даврларида аэроб, аэроб-анаэроб, анаэроб юкламаларни турли микроциклларда субмаксимал ва максимал шиддат зоналарида режалаштириш кейинги микроциклда регрессив-пассив нисбатда юкламаларни тақсимланишни оптималлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар «Спорт педагогик маҳоратини ошириш (Енгил атлетика)» номли дарсликнинг мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сон буйруғига асосан 434-298 рақамли гувоҳнома). Натижада, қисқа масофаларга югурувчиларнинг стардан чиқиш рақияси тезлиги 5,9% га яхшиланган;

қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш машғулотида ишлаб чиқилган машқлар комплексини қўллаш бўйича таклифлар «Енгил атлетика назарияси ва услубияти» номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сон буйруғига асосан 434-279 рақамли гувоҳнома). Натижада, 800 м масофага югуришда 7,8%, 5000 м масофага югуришда 12,5% яхшиланишга эришилган;

югуриш масофалари учун тоифа даражасидан келиб чиқиб, машғулотда жорий, оралик, мусобақаолди ва мусобақа кўрсаткичлари асосида кейинги босқичга ўтиш имконини берувчи назорат шкаласини ишлаб чиқиш ҳисобига машғулотлар ва мусобақаларда талаба-спортчиларни бошқариш ва натижаларини олдиндан башорат қилиш имкониятини кенгайтириш бўйича амалий тавсиялар ЎзДЖТСУ енгил атлетика ихтисослиги талабаларининг «Спорт педагогик маҳоратини ошириш» фанини ўқитиш жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 24 июндаги 06-13/2850-сон маълумотномаси). Натижада, қисқа масофага югуришда 5,3% га, 800 м масофага югуришда 7,7% га 1500 м масофага югуришда 11,5% га узоқ масофага югуришда 12,5% га натижаларнинг ўсишига эришилган;

ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчилар учун югуриш маромини алмаштириш, ўзгарувчан-фартлек ва такрорий дам олиш ораликли усуллари қўллаш бўйича таклифлар «Яккакураш, координацион ва циклик спорт турлари (Енгил атлетика)» номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сон буйруғига асосан 434-316 рақамли гувоҳнома). Натижада 60 м масофага югуришда 7,5% га, 1500 м масофага югуришда 8,5% га 3000 м масофага югуришда 9,2% га натижалар ўсган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 27 дан ортиқ илмий-услубий ишлар тайёрланган. Шу жумладан,

2 та монография, 3 та дарслик, 10 та илмий мақола шулардан, 2 та халқаро журналда, 8 та маҳаллий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 6 бобдан иборат бўлиб. 260 саҳифалик матн, 38 та расм, 74 та жадвал, хотима, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқотдан олинган натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва анатомик-физиологик хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларнинг жисмоний ривожланганлик кўрсаткичлари, ҳар хил ёшдаги қисқа, ўрта ва узоқ масофага югурувчи спортчиларнинг морфологик кўрсаткичлари, мушак толаси, суяк массаси ва ёғ қатламининг оғирлиги бўйича тотал ва парциал кўрсаткичлари бўйича илмий-услубий адабиётлар таҳлили кенг ёритилган.

Жисмоний тарбия ва спорт назарияси ва методикасига доир илмий-услубий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчиларнинг жисмоний ривожланиши бўйича кўпгина олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Мутахассислар таъкидланишича спортчиларнинг жисмоний ривожланиши уларнинг жисмоний тайёргарлигига боғлиқ эканлигини эътироф этиб ўтишган.

Енгил атлетикачи талаба-спортчиларнинг анатомик-физиологик хусусиятларини ўрганишга оид адабиётлар таҳлили шундай хулоса чиқариш имконини берадики, спортчиларнинг жисмоний ривожланиш қонуниятлари, уларнинг морфологик хусусиятлари, жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг ёшга хос жиҳатлари очиб берилган. Лекин қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларнинг жисмоний ривожланишида комплекс ёндашув асосида юкламаларнинг таъсири етарлича ўрганилмаган.

Спринтерларда юқори натижалар кўрсатилиши жисмоний ривожланишнинг аҳамияти катта эканлиги олиб борилган тадқиқот натижаларида аниқланган.

Жисмоний ривожланиш бўйича олиб борилган изланишларнинг кўрсатишича, бир хил гуруҳлардаги спортчиларда ҳар хил кўринишдаги

жисмоний ривожланиш, ўртача бўлган ва турли даражадаги жисмоний тайёргарликка эга спортчиларни жисмоний ривожланиши ҳам турлича бўлиши аниқланган.

Спортчиларнинг жисмоний ривожланиши, ҳаракат сифатларининг ривожланиши энергетик тизимлар динамикаси хусусиятлари билан ҳам боғлиқлиги тадқиқотларда аниқланган. Турли мушак гуруҳларининг ҳар йилдаги ўсиши бир хил эмаслиги тадқиқотларда аниқланган. Ўсмирларда 10 дан 14 ёшгача бўлган даврда оёқларни букувчи-ёзувчи мушаклар кучининг ўсиши 85% ни ташкил этар экан. Елка камарини букувчи мушаклар кучининг ўсиши 24% ни ташкил қилиши аниқланган. Шу сабабли нисбий кучни ривожлантириш 13 ва 15 ёшдан бошлаб ривожлантириб бориш тавсия этилади.

Илмий-услубий адабиётлар таҳлили натижаси шуни кўрсатадики, жисмоний ривожланиш даражаси қанча юқори бўлса, тезкор-куч кўрсаткичларининг ўсиш фоизи шунча юқори бўлиши мумкин экан. Бунда индивидуал максимал тезкор-куч кўрсаткичлари 15 ёшдан бошлаб ўсмирларда ўсиши кузатилган ва жисмоний ривожланиш даражаси қанча юқори бўлса, бу кўрсаткичлар ҳам шунча юқори бўлиши мумкинлиги тадқиқотларда аниқланган.

Талаба-спортчиларнинг жисмоний ривожланиши бўйича аниқланган антропометрик кўрсаткичлар шундан далолат берадики, бўй узунлиги бўйича фарқлар кузатилмасда, вазн оғирлигида фақлар борлиги қайд этилди. Аммо бизнинг фикримизча, антропометрик кўрсаткичлар спортчиларнинг географик жойлашуви билан ҳам боғлиқ. Чунки Европа, Австралия, Америка қитъаси қисқа масофага югурувчиларида тана тузилишида оёқ узунлиги кўпроқ кўзга ташланиши баробарида мушакларнинг шаклланганлиги яққол намоён бўлади. Ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи Европа ва Африка қитъаси вакилларида ўртача тана тузилишига эга бўлган спортчилар кўпроқ учрайди. Осиё қитъаси вакилларида тана тузилиши оёқ қисмига нисбатан бел қисмининг узунлиги кўзга ташланади. Албатта, югуриш турларида жисмоний ривожланишнинг аҳамияти жуда катта. Чунки югуришда қадамлар частотаси, қадамлар узунлиги ва сони жисмоний ривожланганлик даражаси билан боғлиқ.

Қисқа масофаларга югуришда мезоморф тана тузилишига (самотипга) хос бўлган спортчилар яхши натижалар қайд этиши имконияти катталиги тадқиқотлар жараёнида аниқланган. Чунки улар кенг елка, узун оёқлар ва яхши ривожланган мушакларга эга бўлишади. Бу эса спортчининг натижаси юқори бўлишига имкон яратади.

Ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларда тор тосга эга бўлиш, қўл ва оёқлар болдир-кафт бўғими пайлари ҳамда мушакларининг яхши ривожланганлиги, қолаверса, кўкрак қафаси кенг бўлиши билан аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **“Қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва тайёргарлиги динамикаси, тайёргарлик босқичи ва даврларида машғулот юкламаларининг тақсимланиши”** деб номланган иккинчи бобида қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларнинг жисмоний ривожланиши, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги, модел



тавсифи кўрсаткичлари, техник тайёргарлигини модел кўрсаткичлари, йиллик тайёргарлик босқичи, даврларида машғулотлар мазмуни ва юкламаларнинг тақсимланиши, ишлаб чиқилган йиллик тайёргарлик машғулотларининг режалаштирилиши, машғулотларда восита ва усулларнинг қўлланилиши баён этилган.

Ўтказилган қисқа масофага югурувчи талаба-спортчиларда тананинг тотал ўлчамларини текшириш натижалари қуйидаги 1-жадвалда берилган.

Тадқиқотда қатнашган спортларнинг тана узунлиги  $176 \pm 1,75$  см.ни, тана вазни эса  $72,09 \pm 3,37$  кг.ни ташкил этди. Кўкрак қафаси айланаси бўйича олинган тадқиқот натижаси тинч ҳолатда кўкрак қафаси айланаси  $85,18 \pm 3,39$  см.га, нафас олганда  $89,23 \pm 3,21$  см.га, нафас чиқарганда  $82,0 \pm 3,7$  см.га ўртача тенглиги кузатилди. Биз томонимиздан ўтказилган тадқиқот натижаларини В.Б.Зелеченок, В.Г.Никитушкин, В.П.Губалар томонидан берилган маълумотлар билан қиёсий таҳлил этганимизда бўй узунлиги ўртасида  $3,0 \pm 0,1$  см.га ортда қолаётганлигимиз ва вазн оралиғи бўйича деярли фарқлар йўқлигини кўришимиз мумкин.

#### 1-жадвал

#### Қисқа масофага югурувчи спортчиларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг тотал ўлчамлари (n=23)

Кўрсаткичлар	Тана узунлиги (см)	Вазни (кг)	Кўкрак қафаси айланаси (см)		
			тинч ҳолатда (см)	нафас олганда (см)	нафас чиқарганда (см)
$\bar{X}$	176	72,09	85,18	89,23	82,0
$\sigma$	1,75	3,37	3,39	3,21	3,7
V, %	0,99	4,67	3,98	3,59	4,52

Биз томонимиздан ўтказилган педагогик тадқиқот натижаларга кўра, ўрта ва узоқ масофага югурувчи спортчиларни жисмоний ривожланиши бўйича олинган тотал ўлчамлар қуйидагича ифодаланди.

Ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи спортчиларнинг билан биз томонимиздан ўтказилган тадқиқотда тана узунлиги ўртача  $174,84 \pm 2,79$  см.ни, тана вазни эса  $63,05 \pm 4,99$  кг.ни ташкил этди (2-жадвал).

Кўкрак қафаси айланаси бўйича олинган тадқиқот натижаси тинч ҳолатда кўкрак қафаси кенглиги  $83,11 \pm 4,33$  см., нафас олганда  $87,68 \pm 4,95$  см. ва нафас чиқарганда  $80,84 \pm 4,5$  см.га ўртача тенглиги кузатилди. Биз томонимиздан ўтказилган тадқиқот натижаларини В.Б.Попов ва ҳаммуаллифлари томонидан берилган маълумотлар билан қиёсий таҳлил этганимизда бўй узунлиги ўртасида 3 см.га ўртача фарқ борлиги кузатилди, вазн оғирлиги бўйича эса бизнинг талаба-спортчилар бошқа хорижий спортчилар вазн оғирлигига нисбатан 2 кг.га оғирроқ эга эканлигини кўрсатди (2-жадвалга қаранг).

**Ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларда жисмоний ривожланишнинг  
тотал кўрсаткичлари (n=20)**

Кўрсаткичлар	Тана узунлиги (см)	Вазни (кг)	Кўкрак қафаси айланаси (см)		
			тинч ҳолатда (см)	нафас олганда (см)	нафас чиқарганда (см)
$\bar{X}$	174,8	63,05	83,11	87,68	80,84
$\sigma$	2,79	4,99	4,33	4,95	4,5
V, %	1,6	7,92	5,21	5,16	5,57

Биз қисқа масофага югурувчи талаба-спортчилар учун йиллик тайёргарлик дастурини ҳудудий иқлимий шароитларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқдик (3-жадвалга қаранг).

Дастур қисқа масофага югурувчи талаба-спортчиларнинг жисмоний, функционал, техник ва тактик тайёргарлигини инобатга олиб ишлаб чиқилган. Ушбу йиллик тайёргарлик дастурида умумий машғулотлар сони 320 тадан иборат бўлиб, бунда умумий машғулотларга жами бўлиб 640 соат вақт ажратилган. Умумий югуришлар ҳажми эса 1197,9 км.ни ташкил этади. Югуриш ҳажми ва шиддати 96-100% бўлган югуришлар ҳажми 66,6 км.га, югуриш ҳажми ва шиддати 91-96% да эса 114,4 км.га тенг. Югуриш шиддати (91% гача) 163,6 км ва югуриш машқлари ҳажми (80-90%) 115,1 км.ни ташкил этади. Кросс югуришлар ҳажми 580 км.ни ташкил этган. Кросс югуриш бўйича йиллик ҳажмнинг бундай тақсимланиши қисқа масофага югурувчиларда базавий тайёргарликни шакллантириш ва шу билан бирга, функционал тайёргарликни ривожлантириш асосида организмни кейинги ишга тиклаш учун қўлланилган.

**Қисқа масофага югурувчи талаба-спортчилар учун йиллик тайёргарлик  
юкламаларининг оптимал тузилиши**

Ойлар		Сентябр				Октябр				
Ҳафталар		1	2	3	4	5	6	7	8	9
Йиллик циклнинг тузилиши	Даврлар	Тайёргарлик								
	босқичлар	Умумий тайёргарлик								
Тайёргарлик босқичлардаги асосий кўрсаткичлар		Умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш								
1.	Умумий машғулотлар сони	6	6	6	6	6	6	6	6	6
2.	Умумий машғулотлар соати	18	18	18	18	18	18	18	18	18
3.	Умумий югуришлар ҳажми, км	25	27	20	24,4	26,9	20,5	22,3	22,2	24,8
	Югуриш ҳажми ва шиддати 96-100%, км	1,2	1,2	1,2	0,6	1,2	1,2	1,2	1,2	0,8
3.	Югуриш ҳажми ва шиддати 91-96%, км	2,2	2,2	1,6	2,6	2,6	2,6	1,4	1,8	2,2
	Югуриш шиддати 90% гача, км	4,2	4,2	3,4	4,2	4,2	3,4	4,4	4,4	3,0

### 3 жадвалнинг давоми

	Югуриш машқлари ҳажми, км	2,1	2,1	1,9	1,9	1,9	1,5	1,5	1,8	1,8
4.	Сакраш машқлари ҳажми, км	3,3	3,3	1,9	3,1	3,0	1,8	1,8	3,0	3,0
5.	Оғирликлар билан бажариладиган машқлар, т	4,5	4,5	5	4,5	4,5	5	5	5	4
6.	УЖТ, с	5	5	5	5	5	5	5	5	5
7.	Кросс югуришлар	12	14	10	12	14	10	12	10	14
8.	Назарий тайёргарлик, с	+	+	+	+	+	+	+	+	+
9.	Мусобақалар сони /стартлар, назоратлар	н		м		н		н		м
10.	Ташкилий ва ҳакамлик амалиёти, с	+	+	+	+	+	+	+	+	+
11.	Тиббий назорат, с	+								+
12.	Тарбиявий ишлар, с	+	+	+	+	+	+	+	+	+

Юқоридаги қисқа масофага югурувчилар учун ишлаб чиқилган режалаштириш дастури талаба-спортчиларни олий ўқув юртлари ўқув дастуридаги юкламаларни бажаришини инобатга олиб, машғулот жараёни оптимал режалаштирилган. Ушбу режалаштириш дастури талаба-спортчиларнинг юкламаларни бажариш оралиғидаги дам олиш меъёрларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган. Бу эса йиллик тайёргарлик циклида талаба-спортчиларнинг мусобақаларда фаол иштирок этиши ва юқори спорт натижаларини кўрсатишига замин яратади.


Диссертациянинг **“Қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчиларни спмо машғулотлари бўйича анкета сўровномаси ва жисмоний тайёргарлигининг корреляцион боғлиқлик даражаси таҳлили”** деб номланган учинчи бобида қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчиларнинг жисмоний сифатларини югуриш турларида ривожлантириш бўйича ўтказилган анкета-сўровномалари натижалари ёритилган

Сўров бўйича (n=67 нафар) мураббийлардан олинган маълумотларда “Қисқа масофага югурувчиларнинг машғулот жараёнида қайси сифатларга кўпроқ эътибор бериш керак?” деган саволга 35% респондент тезкорликни ривожлантириш керак, деб ҳисобласа, 40%1 – тезкор-куч сифатини, 25% тезкор-куч чидамлилигини ривожлантиришни тавсия этади (1-расмга қаранг).

Кўпчилик мураббийлар қисқа масофага югуришда тезкор-куч сифатини ривожлантиришда такрорий-дам олиш оралиқли югуришни маъқул, деб билади.


“Ўрта масофага югурувчиларни тайёрлаш жараёнида қайси сифатларга кўпроқ эътибор бериш керак?” – деган саволга 55% респондентлар тезкор-чидамлиликни ривожлантириш керак деб ҳисобласа, 41% тезкор-куч чидамлилиги сифатини, 4% кўрсаткичлар махсус чидамлиликни ривожлантириш зарур, деб ҳисоблайди (2-расмга қаранг).

**ҚИСҚА МАСОФАЛАРАГА ЮГУРУВЧИЛАРНИНГ МАШҒУЛОТ ЖАРАЁНИДА ҚАЙСИ СИФАТЛАРГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК?**



**1-расм. Қисқа масофага югурувчиларни машғулот жараёнида қайси сифатларга кўпроқ эътибор бериш керак деб номланган анкета сўрови**


**ЎРТА МАСОФАГА ЮГУРУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ҚАЙСИ СИФАТЛАРГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК?**



**2-расм. Ўрта масофага югурувчиларни машғулот жараёнида қайси сифатларга кўпроқ эътибор бериш керак деб номланган анкета сўрови**


Узоқ масофага югурувчиларда “Қайси сифатларга кўпроқ эътибор бериш керак?” – деган саволга 63% респондент махсус чидамликни ривожлантириш зарур деб ҳисобласа, 28% тезкор-куч чидамлилигини ривожлантириш лозимлигини кўрсатади, 9% респондентлар эса тезкор чидамликни ривожлантириш керак, деб жавоб беришди (3-расмга қаранг).

**УЗОҚ МАСОФАГА ЮГУРУВЧИЛАРДА ҚАЙСИ СИФАТЛАРГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК?**



**3-расм. Узоқ масофага югурувчиларни машғулот жараёнида қайси сифатларга кўпроқ эътибор бериш керак деб номланган анкета сўрови**

**ҚИСКА, ЎРТА ВА УЗОҚ МАСОФАЛАРГА ЮГУРУВЧИЛАРНИ  
ТАЙЁРГАРЛИК МАШҒУЛОТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ  
НИМАЛАРНИ НАЗАРДА TUTАДИ?**



**4-расм. Қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларни тайёргарлик машғулотларини моделлаштириш нималарни назарда тутати номли анкета сўрови**

“Қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларнинг тайёргарлик машғулотларини моделлаштириш нималарни назарда тутати?”, – деган саволга респондентларнинг 60% моделнинг айрим шакл ва хусусиятларини ўрганиш асосида тайёргарлик жараёнини қайта ишлаб чиқиш, деган фикрни билдиришган. 27% мусобақа жараёнидаги алоқа ва муносабатлар, деб ҳисоблашган. 13% сўраловчилар машғулот жараёнига ўзгартиришлар киритиш деб ҳисоблашади (4-расмга қаранг).

**4-жадвал**

**Узоқ масофага югурувчи назорат ва тажриба гуруҳлари спортчиларининг педагогик тажриба охирида жисмоний тайёргарлик бўйича натижаларининг корреляцион боғлиқлик даражаси**

Назорат гуруҳи тажриба охирида	Тажриба гуруҳи тажриба охирида						
	100м	400м	1000м	5000м	Жойидан туриб узунликка сакраш	Жойидан туриб 10 хатлаб сакраш	100 м масофага оёқдан-оёққа сакраб югуриш
100м		0,84	0,81	0,79	0,81	0,79	0,86
400м	0,86		0,99	0,99	1,00	0,99	1,00
1000м	0,84	1,00		1,00	1,00	1,00	1,00
5000м	0,81	0,99	0,99		1,00	1,00	0,99
Жойидан туриб узунликка сакраш	0,83	1,00	0,99	1,00		1,00	1,00
Жойидан туриб 10 хатлаб сакраш	0,82	0,99	0,99	1,00	1,00		0,99
100 м масофада оёқдан-оёққа сакраб югуриш	0,87	1,00	0,98	0,98	1,00	0,99	

Узоқ масофага югурувчи тажриба ва назорат гуруҳи спортчиларининг педагогик тажриба сўнгидаги жисмоний тайёргарлик бўйича натижалари корреляцион боғлиқлик даражаси ўрганилганда назорат гуруҳи синалувчиларининг 100 м масофага югуриш синови натижалари тажриба гуруҳи синалувчиларининг 400 м югуриши билан таққосланганда  $r=0,84$  кучли мусбат

боғлиқлик борлигини кўрсатди. Навбатдаги 1000 м масофага югуриш синови билан таққослаганда эса  $r=0,81$  кучли мусбат боғлиқлик борлиги аниқланди. 5000 м масофага югуришда эса  $r=0,79$  ўрта кучли мусбат боғлиқлик борлигини кўрсатди.

Назорат гуруҳи синалувчиларининг 100 м масофага югуриш назорат синовини тажриба гуруҳи синалувчилари томонидан жойдан туриб узунликка сакраш натижаси ўртасида ўзаро  $r=0,81$  кучли мусбат корреляцион боғлиқ экани қайд этилган бўлса, 10 ҳатлаб сакраш тестида  $r=0,79$  ўрта мусбат боғлиқлик мавжудлиги маълум бўлди. Шунингдек, 100 м оёқдан-оёққа сакраш синовида эса  $r=0,86$  кучли мусбат корреляцион боғлиқлиги аниқланди.

Педагогик тажриба натижалари қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, талаба-спортчилар билан ўтказиладиган машғулотларда сакровчанликни ривожлантирувчи воситалар умумий ва махсус чидамликни ривожлантирувчи югуриш воситаларини турли усулларда қўллаш, уларнинг спорт натижалари ривожланишига имкон беради (4-жадвалга қаранг).

Диссертациянинг “Қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчиларни функционал тайёргарлиги кўрсаткичлари тузилиши” деб номланган тўртинчи бобда қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи спортчиларнинг функционал тайёргарлик кўрсаткичлари, тадқиқот олдидан функционал тайёргарлигининг шаклланиш динамикаси ўрганиб чиқилди (5-жадвалга қаранг).

Қисқа масофага югурувчи талаба-спортчиларнинг функционал тайёргарлигини аниқлашда ишчанлик қобилияти ва функционал фаоллигини баҳолаш қуйидаги кўрсаткичлар бўйича аниқланди. Жисмоний ривожланиши бўйи узунлиги, тананинг оғирлиги, ГСТИ бўйича ишчанлик қобилияти баландлиги 50 см бўлган тумбага 1 дақиқа давомида чиқиб-тушиш сони ва 5 дақиқа давомида тумбага чиқиб-тушишлар, сони дам олиш оралиғи билан ўлчанди. Юкламанинг энергия қуввати кг/дақиқада, ишчанлик қобилияти  $PWC_{170}$  кг/дақ аниқланди. Максимал кислород истеъмоли (МКИ) мл/дақ нисбий МКИ мл/дақ аниқлашга эътибор қаратилди.

#### 5-жадвал

#### Қисқа масофага югурувчи талаба-спортчиларнинг юкламадан олдин ва кейинги функционал кўрсаткичлари

Т/р	Физиологик кўрсаткичлар	Юкламалар	Тадқиқот натижаси ( $\bar{X} \pm \sigma$ )
1.	ҚДХ, л/дақ	Юкламадан олдин	4,981±0,441
		Юкламадан кейин	9,145±0,614
2.	СХ, мл	Юкламадан олдин	60,9±2,2
		Юкламадан кейин	73,8±2,3
3.	ЮҚС, зар/дақ	Юкламадан олдин	75,1±2,4
		Юкламадан кейин	119,2±3,5
4.	СҚБ, мм.см.ус	Юкламадан олдин	123,9±3,7
		Юкламадан кейин	140,2±7,6
5.	ДҚБ, мм.см.ус.	Юкламадан олдин	84,2±2,3
		Юкламадан кейин	79,4±3,6
6.	ПҚБ, мм.см.ус.	Юкламадан олдин	48,5±3,4
		Юкламадан кейин	68,7±5,2

## 5-жадвалнинг давоми

7.	СДҚБ, мм.см.ус	Юкламадан олдин	94,9±7,7
		Юкламадан кейин	101,9±4,2
8.	КК, ўнг қ., кг	Юкламадан олдин	52,9±7,0
		Юкламадан кейин	43,6±6,9
9.	КК, чап қ., кг	Юкламадан олдин	43,6±3,6
		Юкламадан кейин	42,5±3,6
10.	Штанге синови	Юкламадан олдин	53,1±8,5
		Юкламадан кейин	47,2±7,3
11.	Генче синови	Юкламадан олдин	32,0±2,9
		Юкламадан кейин	30,0±2,6
12.	ЎТС л/дақ	Юкламадан олдин	4,4±0,32
		Юкламадан кейин	4,1±0,37
13.	Юкломанинг қуввати кгм/дақ	Юкламадан олдин	1001,9±168,3
		Юкламадан кейин	1306,4±175,9
14.	РВС <sub>170</sub> кгм/дақ	Юкламагача	1778,0±249
15.	МКИ, л/дақ	Юкламагача	4,875±0,6
16.	МКИ нисбий, мл/кг/дақ	Юкламагача	71,6±9,1
17.	ГСТИ	Юкламагача	111,4 ±13,8

Тадқиқот бошида олинган тестларда юкламагача қоннинг дақиқалик ҳажми (ҚДХ) ўртача кўрсаткичи 4,289±0,494 л/дақ.га тенг бўлган бўлса, тажриба охирида бу кўрсаткич ўртача 4,981±0,441 л/дақ.ни ташкил этди. Юкламадан кейинги, яъни юклама бажарилгандан кейин 5 дақиқалик дам олишдан сўнг текшириш натижалари тадқиқот бошида ўртача 8,578±0,524 л/дақ, якунида 9,145±0,614 л/дақ.ни ташкил этди. Олинган натижаларнинг тадқиқот боши ва якунидаги кўрсаткичлари ўзаро таққосланганда ушбу тест бўйича  $t=4,94$  ва ишончлилик даражаси мавжуд  $<0,05$  га тенг бўлди.

Ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларнинг функционал тайёргарлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижаси талаба-спортчиларда қуйидагича шаклланганлигини кўрсатди (6-жадвалга қаранг).

### 6-жадвал

#### Ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи спортчиларда функционал кўрсаткичлар даражаси ( $\bar{X} \pm \delta$ )

Тестлар		Ўрта масофага югурувчилар n=32	Узоқ масофага югурувчилар n=27
АҚБ: (мм.см.ус.)	СБ	119,8±3,4	117,4±2,9
	ДБ	68,4±1,8	64,2±1,2
ЮҚЧ (марта/дақ.)		68,2±0,9	60,4±0,8
МКИҚ (мл/дақ.)		3993,8±187,4	5012,2±198,6
НС – Генчи синови (с)		24,8±1,6	37,2±2,4
НОЧ (марта/дақ.)		14,6±1,2	12,4±1,7
ЎТС (мл)		5322,4±21,2	6236,6±22,6

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, функционал кўрсаткичлар артериал

қон босими, юрак қисқариш частотаси, максимал кислород истеъмол қилиш, нафасни сиқиб туриш, нафас олиш частотаси ва ўпканинг тириклик сиғимини аниқлаш асосида функционал тайёргарликни очиб беришга эътибор қаратилган. Ўтказилган тажрибада ўрта масофага югурувчиларда систолик қон босими  $119,8 \pm 3,4$  мм.см.ус.га тенг бўлган бўлса, узоқ масофага югурувчиларда бу кўрсаткич  $117,4 \pm 2,9$  мм.см.ус.га тенг миқдорни ташкил этди. Диастолик қон-босими мувофиқ равишда  $68,4 \pm 1,8$  ва  $64,2 \pm 1,2$  мм.см.ус.га тенг кўрсаткичлар билан ифодаланди.

Югуриш турларида махсус югуриш машқларини мураббийлар ва спортчилар томонидан ҳар хил кетма-кетликда қўлланилиши кузатилади. Аммо кўп йиллик педагогик кузатувлар ва тажриба натижалари шуни кўрсатадики, қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югуриш турларида махсус югуриш машқларини вазифалар кетма-кетлигида биринчи оёқларни алиштириб югуришдан бошлаб, кейин тиззаларни баланд-баланд кўтариб югуриш, оёқдан-оёққа сакраб югуриш, оёқларни орқага тортиб югуриш ва тезланиб югуришлардан бошлаб ўргатиш одат тусига кирганлигини кўрамиз. Аммо ушбу махсус югуриш машқларининг самарадорлиги, кетма-кетликда бажарилишининг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида ҳулосалар қилиб кўрилмаган. Қисқа масофага югуришда ушбу махсус югуриш машқлари техникасини ўргатиш услубиятини 1-2 вазифалар кетма-кетлигида 60-80 м масофаларга югуришдан бошлаб деб берилган, аммо унинг бажарилиш сони, такрорлашлар ҳажми, бажариш суръати, дам олиш оралиғи меъёрлари келтирилмаган. Ўрта ва узоқ масофаларга югуриш турларида ҳам худди қисқа масофаларга югуришдагидек махсус югуриш машқлари каби кетма-кетликда амалга оширилади (7-жадвалга қаранг).

#### 7-жадвал

#### Қисқа, ўрта ва узоқ масофага югурувчиларнинг махсус югуриш машқларини бажариш вақти ва давомийлиги

№	Махсус югуриш машқлари	Такрорланиш сони (марта)	Давомийлиги (дақ/сон)	Дам олиш оралиғи (дақ/сон)	ЮҚС (зар/дақ)
1.	Оёқларни алиштириб югуриш	4 x 40	1 x 80 сон.	3 <sup>1</sup>	140-150 зар/дақ.
2.	Тиззаларни 90° бурчак остида баланд-баланд кўтариб югуриш	4 x 40	1 x 80 сон.	3 <sup>1</sup>	140-150 зар/дақ.
3.	Оёқларни орқага тортиб югуриш	4 x 40	1 x 80 сон.	3 <sup>1</sup>	140-150 зар/дақ.
4.	Оёқдан-оёққа юқори сакраб югуриш	4 x 40	1 x 80 сон.	3 <sup>1</sup>	140-150 зар/дақ.
5.	Оёқдан-оёққа сакраб югуриш	4 x 40	1 x 80 сон.	3 <sup>1</sup>	140-150 зар/дақ.
6.	Тезланиб югуришлар	4 x 40	1 x 80 сон.	3 <sup>1</sup>	140-150 зар/дақ.



Тадқиқот олдидан ўтказилган педагогик тажриба жараёнида 5000 м масофага югурувчиларнинг функционал тайёргарлигини шиддат зоналари ва югуриш каденси, сарфланган энергия таъминоти (кКал) бўйича натижалар динамикаси берилган (8-жадвалга қаранг).

Функционал тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича тадқиқот олдидан ўтказилган педагогик тажриба натижалари узоқ масофага югурувчиларда айнан шиддат зоналари бўйича масофани югуриб ўтишда функционал тайёргарлик даражаси паст даражада шаклланганлигидан дарак берди.

Барчага маълумки, узоқ масофага югуришда махсус чидамлик сифати фарқланади, бу эса тўғридан-тўғри функционал тайёргарлик билан боғлиқ бўлиб, аэроб ва анаэроб режимдаги юкламаларни бажаришни талаб этади. 5000м масофага югурувчиларда натижаларни бундай кўринишда шаклланишида етарлича сабаблар бор. Бунда мусобақаолди ва мусобақа жараёни олдидан белгиланган шиддат зоналарида масофани югуриб ўтиш лозим. Агарда масофани белгиланган шиддат зоналарида ҳар бир спортчи индивидуал хусусиятидан келиб чиқиб югуриб ўтмаса, уларнинг организмида физиологик оғишлар вужудга келади. Бунда биринчи ўринда нафас олиш органларида, юрак қон-томир тизимида ўзгаришлар содир бўлади. Натижада бу ўзгаришлар тўғридан-тўғри нафас олиш органларига, ЮҚСга, қадамлар узунлигига ва частотасига, қолаверса, югуриш каденсининг тушиб кетишига, масофани югуриб ўтиш давомийлигида, спортчининг энергия сарфига ўз таъсирини кўрсатади. Бундай ҳолатда югуриш спортчиларни белгиланган вақт оралиғида қўйилган натижани кўрсатишига имкон бермайди.

## 8-жадвал


### 5000 м масофага югурувчиларда функционал кўрсаткичларнинг тадқиқот олдидан шаклланганлик даражаси.

№	Ф.И.	1-шид. зонаси %	2-шид. зонаси %	3-шид. зонаси %	4-шид. зонаси %	5-шид. зонаси %	Югуриш мароми Макс/дақ дақ/км	ЮҚС макс/ўр тача	Қадам каденси 1 дақиқада Макс/мин (сонда)	кКал кДж %
1	Б-Б	16	8	13	28	35	02:01/ 04:10	208/159	104/19	313
2	А-Х	22	15	24	18	21	02:35/ 04:00	197/160	111/27	338
3	П-Ф	13	18	21	27	21	02:14/ 04:12	195/158	147/24	318
4	М-Х	20	12	26	22	20	02:22/ 03:58	202/156	135/28	287
5	Н-А	14	7	25	17	37	02:27/ 03:56	189/163	127/23	335
6	Х-С	12	16	19	24	29	02:39/ 03:51	191/154	119/29	346
7	С-А	10	14	18	30	28	02:41/ 04:02	201/161	109/35	365
8	Д-Ш	9	13	17	26	35	02:28/ 04:05	188/158	107/31	395
9	Р-С	8	15	28	33	36	02:49/ 03:57	179/154	97/18	329
10	Ф-Е	7	17	24	29	23	02:16/ 03:48	189/155	101/21	322
11	М-В	18	28	31	11	12	02:18/ 04:01	190/153	108/25	296
12	Б-О	9	21	38	17	15	02:43/ 03:53	188/156	114/26	275

Шунинг учун узоқ масофага югурувчиларни машғулотлар жараёнида вақт билан маконни ҳис қилишга ўргатиш, югуриш маромини ўзлаштиришни улар онгига сингдиришимиз лозим. Қолаверса, узоқ масофага югурувчиларни комплекс тайёрлашда функционал ҳолатни яхшилашга қаратилган машғулот

услугиятининг такомиллашган дастурини ишлаб чиқиш ва илмий асослаган ҳолда амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг “Қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларда комплекс тайёргарликни шакллантиришнинг методик асослари” деб номланган бешинчи бобида қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларнинг СПМО машғулоти бўйича анкета сўровномаси, 4 йиллик ва 3 йиллик ўқув жараёнида СПМО машғулоти юктамаларининг тақсимланиши ифодаланган (5-расмга қarang).



**5-расм. ЎзДЖТСУ енгил атлетика ихтисослигидаги узоқ масофаларга югурувчиларнинг 4 йиллик ва 3 йиллик дастурларида кўрсатилган СПМО машғулотларининг тақсимланиши**

Биз узоқ масофага югурувчиларни жисмоний тайёргарлигида УЖТ ва МЖТ юктамалар нисбатларини тақсимланишига ва функционал тайёргарликга кўпроқ эътибор қаратдик. Чунки, узоқ масофага югурувчиларда жисмоний сифатларининг юқори даражада ривожланганлиги уларни мусобақа жараёнларида чиройли ва тежамли югуриш техникасини кўрсатиши ва тактикани самарали қўллаш омили ҳисобланади. Биз юқоридаги омилларни инобатга олиб, айнан жисмоний тайёргарлик ва функционал ҳолатни ривожлантириш учун бошқа компонентларга нисбатан кўпроқ юктамаларни тақсимладик. 3 йиллик ва 4 йиллик тайёргарлик машғулоти дастурларининг тақсимланиши 5-расмда берилди.

## 9-жадвал

### Ўрта масофага югурувчиларни педагогик назорат қилиш шкаласи

№	Разряд	Назорат босқичлари	150 м. ю/к (с.)	400 м. п/с (с.)	600 м. (с.)	1000 м. ю (с.)	ЖТУ сакраш (см)	ЖТУ уч хатлаб сакраш (см)	СПОРК ускунасида сакраш (см)	5 кг ядрони улоктириш (м.см.)
1	III	саралаш	22,0	53,0	1:40,0	3:15,0	225	765	39	9,00
2		жорий	21,9	52,8	1:38,8	3:13,0	230	770	40	9,20
3		оралиқ	21,9	52,6	1:36,6	3:11,5	235	775	41	9,40
4		МОТ**	21,7	52,4	1:35,3	3:10,0	240	780	42	9,60
5		мусобақа	21,6	52,2	1:34,0	3:08,0	245	785	43	9,80

## 9-жадвалнинг давоми


6	II	жорий	21,3	51,9	1:33,5	2:56,0	250	790	43	10,00
7		оралиқ	21,1	51,6	1:32,8	2:54,0	255	795	44	10,20
8		МОТ	20,9	51,3	1:31,3	2:52,0	260	800	45	10,40
9		мусобақа	20,8	51,0	1:28,0	2:50,0	265	805	46	10,60
10	I	жорий	20,7	49,9	1:28,0	2:42,0	270	810	46	10,80
11		оралиқ	20,6	49,7	1:27,6	2:41,0	275	815	47	10,80
12		МОТ	20,5	49,6	1:25,2	2:39,0	280	820	48	11,00
13		мусобақа	20,4	49,4	1:24,3	2:38,0	285	825	49	11,20
14	СУН*	жорий	20,2	49,4	1:23,8	2:36,0	290	830	49	11,40
15		оралиқ	20,1	49,2	1:22,6	2:35,0	295	835	50	11,60
16		МОТ	20,0	49,0	1:22,4	2:34,0	300	840	51	11,80
17		мусобақа	19,9	48,9	1:22,0	2:32,0	305	845	52	12,00
18	СУ	ЖТД**	19,8	48,8	1:20,8	2:28,0	310	850	52	12,20
19		МОТ	19,7	48,6	1:19,6	2:25,0	315	855	53	12,40
20		мусобақа	19,5	48,7	1:18,4	2:22,0	320	860	54	12,60
21	ХТСУ	мусобақа	19,4	48,6	1:17,0	2:18,0	325	880	55	13,00

**Изоҳ:** \* СУН – спорт усталигига номзод, СУ – спорт устаси, ХТСУ – халқаро тоифадаги спорт устаси. \*\* ЖТД – жорий тайёргарлик даври, МОТ – мусобақаолди тайёргарлик даври.

Машғулотлар жараёнида қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчиларни педагогик назорат қилиш шкаласи ишлаб чиқилган ва тадқиқотларда асослаб берилганлиги ёритилган (9-жадвалга қаранг).

Биз югурувчилар учун турли масофаларга югуришда техник тайёргарлигини такомиллаштириш учун мобил электрон стартёрни ишлаб чиқдик. Ушбу ишлаб чиқилган мобил электрон стартёрнинг қулайлик тарафлари бошқа методикаларга нисбатан анча самарали бўлиб, бугунги кунда ўргатиш жараёнида керакли спорт жиҳозларидан саналади. Мобил электрон стартёрнинг тузилиши ва унинг амалиётда ишлаши қуйидагича (6-расмга қаранг):

### Мобил электрон стартёр тўғрисида маълумот



- 1-микрофон сифатида фойдаланиш учун тугма,
- 2-ўзбек тилида старт бериш,
- 3-рус тилида старт бериш,
- 4-инглиз тилида старт бериш,
- 5-назорат старт бериш тугмаси,
- 6-фалстарт ҳолатида огоҳлантириш тугмаси,
- 7-Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси,
- 8-тантанали муסיқалар (Фанфарлар)

### 6-расм. Мобил электрон стартёр микрофонининг тузилиши

Биз томонимиздан ўтказилган старт реакциясини аниқлаш бўйича тадқиқот натижаларининг спортчилар спорт натижаларига таъсир этиш даражасини натижалар бўйича аниқлашга эътибор қаратдик. Тажриба гуруҳига мансуб спортчиларда старт реакцияси қай даражада шаклланганлигини

ўргандик. Унга кўра, биринчи тадқиқотимизда  $n=281$  нафар спортчилар иштирок этишди ва уларда энг паст старт реакцияси вақти  $0,405$  с.га тенг бўлди.



7-расм. Мобил электрон стартёр ускунаси

#### Мобил электрон стартёр

1. Штатив оёқлари,
2. Марказий штатив устуни,
3. Оёқ қисқичлари,
4. Штатив бириктирувчи кашаклар,
5. Оғирлик юкламаси учун илгак,
6. Электрон стартёрни олиб юриш учун тутқич,
7. Штатив боши,
8. Баландликка мослаштирувчи тутқич,
9. Штативни кўтариб турувчи дастак,
10. Тез ҳаракатларни тасвирга олувчи технология,
11. Компос,
12. Электрон стартёрни тўғри жойлашувини кўриш учун шайтон,
13. Динамик электрон карнай,
14. Динамик овоз кучайтиргич,
15. Электрон қувват етказувчи узатма.

Ўртача старт реакцияси вақти  $0,351$  с.ни ташкил этди, юқори старт реакцияси эса  $0,209$  с.га тенг эканлиги аниқланди. Спорт натижаси эса ўртача  $11,74 \pm 1,21$  с.ни ташкил қилди. Иккинчи назоратда  $n=204$  нафар спортчилар орасида энг паст старт реакциясининг вақти  $0,401$  с.ни ташкил этди. Ўртача старт реакцияси эса  $0,337$  с, юқори старт реакцияси эса  $0,206$  с.ни ташкил этди. Спорт натижаси ўртача  $11,80 \pm 1,28$ , с га тенг бўлди.

Учинчи назоратда  $n=189$  нафар спортчиларнинг энг паст старт реакциясини кўрсатиш натижаси  $0,395$  с.ни ташкил этди. Ўртача старт реакцияси эса  $0,321$  с.га тенг бўлди, юқори старт реакцияси эса  $0,201$  с.ни ташкил этди. Спорт натижаси ўртача  $11,76 \pm 1,14$  с. натижани қайд этишди. Учинчи мусобақа олди тайёргарлик босқичида талаба-спортчиларимиз паст старт реакциясини кўрсатиш натижаси  $0,398$  с.ни ташкил этди. Ўртача старт реакцияси эса  $0,317$  с, га тенг бўлди, юқори старт реакцияси эса  $0,200$  с.ни ташкил этди. Спорт натижаси ўртача  $11,67 \pm 0,97$  с, га тенг бўлди. Талаба-спортчиларимизда тайёргарлик даражаси ривожланиш баробарида уларда старт реакциясининг шаклланиши ҳам ижобий томонга ўзгараётганлиги кузатилди. Мусобақа жараёнида талаба-спортчиларимиздан 24 нафарининг стартдан чиқиш реакцияси вақти ўрганилди. Унга кўра, паст реакция вақти  $0,406$  с.ни ташкил этди. Ўртача старт реакцияси эса  $0,321$  с.га тенг бўлди, юқори старт реакцияси  $0,201$  с.ни ташкил этди. Спорт натижаси ўртача  $11,72 \pm 0,85$  с.га тенг бўлди. Ушбу методика тайёргарликнинг турли босқич ва даврларида спортчиларни саралаш, спорт натижаларини олдиндан башорат қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Диссертациянинг “**Енгил атлетикачи талабаларнинг комплекс тайёргарлигида методикани қўллаш самарадорлиги**” деб номланган олтинчи

бобида қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларни комплекс тайёрлаш бўйича ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлигини аниқлаш ҳамда ўтказилган педагогик тажриба натижалари келтирилган (10-жадвалга қаранг).

Тажриба гуруҳига мансуб қисқа масофага югурувчиларда эса тажриба якунида тадқиқот бошидаги натижага нисбатан 0,36 с, масофани тезроқ югуриб ўтганлиги кузатилди. Тезкорлик сифатининг ўсиши 10,4% эришилган. Тажриба гуруҳига мансуб қисқа масофага югурувчи талаба-спортчиларда 30 м масофага пастки стартдан югуриш бўйича тадқиқотдан олдинги натижалар  $4,29 \pm 0,53$  с.га тенг бўлди. Тадқиқот охирида натижалар динамикаси  $3,92 \pm 0,45$  с.ни ташкил этди. Ўсиш фарқи 8,6% ни ташкил этди. Статистик фарқлар ишончлилиги  $P < 0,05$  га тенг бўлди.

Тезкор-куч сифатини ифодаловчи 60 м масофага пастки стартдан югуриш синови бўйича ўтказилган педагогик тажрибада тажриба гуруҳи қисқа масофага югурувчиларининг ушбу масофадани тажриба бошида югуриб ўтиш натижаси  $7,77 \pm 0,85$  с.ни ташкил этди. Тажриба охирида эса  $7,19 \pm 0,67$  с. қайд этилди, натижаларнинг ўсиш фарқи эса 0,58 с, тенг бўлди. Фоиз кўрсаткичи 75% ташкил этди ( $P < 0,05$ ).

#### 10-жадвал


#### Тажриба гуруҳи қисқа масофага югурувчиларида тажриба бошида ва охирида жисмоний тайёргарликнинг шаклланганлик даражаси

	Назорат машқлари	ТО	ТК	фарқи	%	t	p
1.	30 метрга старт олдидан югуриш (с)	$3,47 \pm 0,43$	$3,11 \pm 0,36$	0,36	10,4	2,57	$< 0,05$
2.	30 метрга пастки стартдан югуриш (с)	$4,29 \pm 0,53$	$3,92 \pm 0,45$	0,37	8,6	2,13	$< 0,05$
3.	60 метрга пастки стартдан югуриш (с)	$7,77 \pm 0,85$	$7,19 \pm 0,67$	0,58	7,5	2,14	$< 0,05$
4.	100 метрга югуриш (с)	$11,81 \pm 0,87$	$11,19 \pm 0,78$	0,62	5,2	2,12	$< 0,05$
5.	150 метрга югуриш (с)	$17,46 \pm 1,01$	$16,74 \pm 0,91$	0,72	4,1	2,12	$< 0,05$
6.	200 метрга югуриш (с)	$24,23 \pm 1,31$	$23,28 \pm 1,21$	0,95	3,9	2,13	$< 0,05$
7.	300 метрга югуриш (с)	$41,00 \pm 2,09$	$39,12 \pm 1,98$	1,88	4,6	2,61	$< 0,05$
8.	500 метрга югуриш (с)	$68,41 \pm 3,77$	$64,35 \pm 3,58$	4,06	5,9	3,12	$< 0,01$
9.	1000 метрга югуриш (с)	$175,5 \pm 6,84$	$170,1 \pm 6,44$	5,4	3,1	2,30	$< 0,05$
10.	Оёқдан оёққа 60 м масофага сакраб югуриш (марта)	$26,1 \pm 1,4$	$25,0 \pm 1,1$	1,1	3,8	2,25	$< 0,05$
11.	Жойидан туриб узунликка сакраш (см)	$251,1 \pm 34,9$	$278,0 \pm 28,4$	27,2	10,8	2,40	$< 0,05$
12.	Жойидан туриб уч хатлаб сакраш (см)	$797,1 \pm 66,9$	$889,1 \pm 65,3$	91,1	11,5	4,05	$< 0,001$
13.	Жойидан туриб беш хатлаб сакраш (см)	$11,36 \pm 1,39$	$12,31 \pm 1,29$	0,95	8,4	2,00	$> 0,05$
14.	3 кг.ли тўлдирма тўпни бош ортидан олдинга улоктириш (см)	$841,1 \pm 59,6$	$894,1 \pm 55,6$	53,1	6,3	2,60	$< 0,05$
15.	Турган жойда 20 с. да кадам частотаси (марта)	$79,2 \pm 11,4$	$89,6 \pm 9,4$	10,4	13,1	2,82	$< 0,01$
16.	Турган жойда 1 дак.да кадам частотаси (марта)	$177,40 \pm 19,4$	$208,4 \pm 17,6$	31,1	17,5	4,73	$< 0,001$
17.	60 кг штанга билан ўтириб-туриш	$16,1 \pm 1,6$	$19,1 \pm 1,3$	3,0	18,6	5,82	$< 0,001$

Қисқа масофага югурувчиларнинг стандарт масофаси деб эътироф этиладиган 100 м масофани югуриб ўтиш синовида назорат гуруҳининг тажриба охирига келиб ўртача натижаси  $11,35 \pm 0,94$  с.га тенг бўлди. Натижани ўсиш фарқи 0,40 с. фоиз кўрсаткичи эса 3,4% ни ташкил этди ( $P > 0,2$ ). Тажриба гуруҳида ушбу синов бўйича тажриба олдида натижалар ўртача  $11,81 \pm 0,87$  с.га тенг бўлган бўлса, тажриба охирида  $11,19 \pm 0,91$  с. натижани кўришимиз мумкин. Натижанинг мутлақ ўсиши 0,62 с.ни ташкил этди. Фоиз кўрсаткичида эса 5,2% га яхшиланди ( $P < 0,05$ ).

Навбатдаги тезкор-куч сифатини талаб этадиган 150 м масофага югуриш назорат синови бўйича педагогик тажриба олдида кўрсаткичлар ўртача  $17,46 \pm 1,01$  с.ни ташкил этди. Тажриба якунида эса натижа  $16,74 \pm 0,91$  с.га яхшиланди. Натижани мутлақ ўсиши педагогик тажриба давомида 0,72 с.га яхшиланди. Фоиз кўрсаткичи эса 4,1% га тенг бўлган ( $P > 0,05$ ).

Қисқа масофага югурувчиларда тезкор-чидамликни ифода этувчи 1000 м масофага югуриш тести бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари тажриба бошида тажриба гуруҳи синалувчилари куйидаги натижаларни қайд этишди тажриба бошида  $175,5 \pm 6,84$  с.ни қайд этган бўлса, тадқиқот сўнгида  $170,1 \pm 6,44$  с. Натижанинг мутлақ ўсиши эса 5,4 с.ни ташкил этди. Фоиз кўрсаткичи бўйича 3,1% га тенг бўлди ( $P < 0,05$ ).



**8-расм. Назорат ва тажриба гуруҳига мансуб қисқа масофага югурувчи талаба-спортчиларни 100 м масофага югуриш назорат машқи кўрсаткичлари динамикаси**

Оёқдан-оёққа 60 м. масофага сакраб югуриш бўйича оёқ кучини аниқлашга қаратилган навбатдаги синовимизда тажриба гуруҳи синалувчилари тажриба бошида  $26,0 \pm 1,4$  кадам билан югуриб ўтганлиги аниқланди. Тадқиқот сўнгида эса  $25,0 \pm 1,1$  натижани қайд этишди. Натижанинг мутлақ ўсиш фарқи бир кадамга камайганлиги билан ифодаланди. Фоиз кўрсаткичи 3,8% га тенг бўлди ( $P < 0,05$ ).

Қадамлар частотасини бир дақиқа давомида аниқлаш бўйича ўтказилган навбатдаги синовда тажриба гуруҳига мансуб талаба-спортчиларда  $177,4 \pm 19,4$  марта натижани қайд этган бўлса, тажриба якунида бу кўрсаткич  $208,4 \pm 17,6$

мартага ошганлигини кўрсатди. Натижаларнинг мутлақ ўсиши фарқи 31 мартани ташкил этган. Фоиз ҳисобида бу кўрсаткич 17,5% ни ташкил этди ( $P < 0,001$ ).

60 кг штанга билан ўтириб-туриш бўйича ўтказилган тадқиқот синовида тажриба гуруҳига мансуб талаба-спортчилар ушбу назорат синовида тадқиқот бошида  $16,10 \pm 1,6$  натижани қайд этишган бўлса, тажриба охирига келиб, натижани  $19,1 \pm 1,3$  га яхшилаганини кўришимиз мумкин. Натижаларнинг мутлақ ўсиши 3 мартага ўтириб-туриш сони ортганлигини кўрсатди. Фоиз ҳисобида эса 18,6% га яхшиланганлиги қайд этилди ( $P < 0,001$ ). Албатта бундай натижаларнинг қайд этилишида ишлаб чиқилган тайёргарлик дастури мазмунидаги сакраш, такрорий дам олиш, ораликли югуришлар, турли оғирликдаги юкламалар ва кўп бўғимли пампинг усулининг машғулот жараёнида қўлланилиши уларни жисмоний тайёргарлиги ошишига имкон яратди.

### 11-жадвал

#### Ўрта масофага югурувчи тажриба гуруҳи синалувчиларида тадқиқот бошида ва тадқиқот якунида жисмоний тайёргарликнинг шаклланганлик даражаси

Назорат машқлари	ТО	ТК	фарқи	%	t	p
100 м (с)	$13,01 \pm 0,78$	$12,03 \pm 0,75$	0,98	7,5	3,62	$< 0,01$
200 м (с)	$26,75 \pm 1,56$	$24,57 \pm 1,49$	2,18	8,1	4,04	$< 0,001$
400 м (с)	$55,94 \pm 6,12$	$51,41 \pm 5,89$	4,53	8,1	2,13	$< 0,05$
600 м (с)	$87,3 \pm 7,74$	$81,4 \pm 7,16$	5,9	6,8	2,24	$< 0,05$
800 м (с)	$121,8 \pm 13,4$	$112,4 \pm 11,19$	9,4	7,7	2,15	$< 0,05$
1000 м (с)	$173,2 \pm 28,3$	$153,2 \pm 23,8$	20,0	11,5	2,16	$< 0,05$
1500 м (с)	$258,7 \pm 31,2$	$236,8 \pm 26,3$	21,9	8,5	2,15	$< 0,05$
3000 м (с)	$613,7 \pm 71,2$	$557,1 \pm 62,1$	56,6	9,2	2,4	$< 0,05$
Турган жойдна узунликка сакраш (см)	$255,0 \pm 31,2$	$281,0 \pm 30,2$	26,0	10,2	2,4	$< 0,05$
Турган жойдан узунликка уч ҳатлаб сакраш (см)	$714,0 \pm 75,2$	$780,0 \pm 73,5$	66,0	9,2	2,51	$< 0,05$
Турган жойдан узунликка ўн ҳатлаб сакраш (см)	$2291,0 \pm 124$	$2531,0 \pm 123$	240,0	10,5	5,5	$< 0,001$

Ўрта ва узок масофаларга югурувчи талаба-спортчилар билан ўтказилган педагогик тажриба натижалари барча кўрсаткичлар бўйича тажриба гуруҳи назорат гуруҳига нисбатан сезиларли фарқ билан тадқиқот сўнгида жисмоний тайёргарлиги ўсганлигини кўрсатди. Демак, бу шундан далолат берадики, ўрта ва узок масофаларга югурувчиларнинг машғулот жараёнида қўлланилган турли ўйин мазмунига эга бўлган юкламалар, кўп бўғимли пампинг усули ва ўзгарувчан, алмашлаш, масофани такрорий, дам олиш, ораликли югуриш усуллари қўлланилиши талаба-спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ривожланишига имкон яратиши самаралироқ бўлиши педагогик тажрибада ўз исботини топди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Илмий-методик адабиётларга асосан енгил атлетикачиларнинг кўп йиллик тайёргарлик босқичлари бўйича енгил атлетика машғулотларини



бошқариш, тайёргарлик компонентларини ривожлантириш, режалаштириш ва кўп йиллик тайёргарлик босқичларидаги муаммоларни ўрганиш бўйича илмий ишлар олиб борилган. Аммо енгил атлетикачи талаба-спортчиларнинг комплекс тайёргарлигини ошириш юзасидан илмий тадқиқотлар етарлича очиб берилмаган. Таҳлил қилинган ишларда спортчиларнинг тайёргарлигини ривожлантириш бўйича турлича ёндашувлар мавжуд. Шу муносабат билан енгил атлетикачи талаба-спортчиларни комплекс тайёрлаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурлиги тақазо этилади.

2. Жисмоний ривожланиш бўйича олиб борилган изланишларнинг кўрсатишича, бир хил гуруҳлардаги спортчиларда ҳар хил кўринишдаги жисмоний ривожланиш, ўртача бўлган ва турли даражадаги жисмоний тайёргарликка эга спортчиларнинг жисмоний ривожланиши ҳам турлича бўлиши мумкин. Турли тадқиқотларда югуриш турларига ихтисослашган спортчиларда бўй ва вазн кўрсаткичлари бир-бирига мутаносиб бўлишлиги кўрсатиб ўтилган. Аммо бизнинг фикримизча, бўй ва вазн кўрсаткичини спортчиларнинг географик жойлашуви билан ҳам боғлиқ. Чунки Европа, Австралия, Америка ва Африка қитъаларининг қисқа масофага югурувчиларида тана тузилишида оёқ узунлиги кўпроқ кўзга ташланиш баробарида мушакларнинг шаклланганлиги яққол намоён бўлади. Ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи Европа ва Африка қитъаси вакилларида ўртача тана тузилишига эга бўлган спортчилар кўпроқ учрайди. Осиё қитъаси вакилларида эса тана тузилиши оёқ қисмига нисбатан бел қисмининг узунлиги кўзга ташланади, югуриш турларида жисмоний ривожланишнинг аҳамияти жуда катта эканлиги кузатилди. Чунки югуришда қадамлар частотаси, қадамлар узунлиги ва югуриш каденси жисмоний ривожланганлик даражаси билан боғлиқлиги аниқланган.

3. Енгил атлетиканинг қисқа масофаларга югуришда мезоморф тана тузилишига хос бўлган самотип спортчиларда яхши натижалар қайд этиши имконияти катта бўлса, улар кенг елка, узун оёқлар ва яхши ривожланган мушакларга эга бўлишади. Ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларда тор тосга эга бўлган ва қўл болдир товон пайлари яхши ривожланганлиги, кўкрак қафаси айланаси ҳамда мушаклар ривожланган бўлишини талаб этади. Ўтказилган педагогик тажриба натижаларига кўра тана узунлиги  $176,1 \pm 1,75$  см.ни, тана вазни эса  $72,09 \pm 3,37$  кг.ни ташкил этди. Кўкрак қафаси айланаси бўйича олинган тадқиқот натижаси тинч ҳолатда кўкрак қафаси айланаси  $85,18 \pm 3,39$  см.ни, нафас олганда  $89,23 \pm 3,21$  см.га, нафас чиқарганда ўртача  $82,0 \pm 3,7$  см.ни ташкил этиш кузатилди. Ўтказилган тадқиқот натижаларини қиёсий таҳлили хорижий мутахассислар томонидан берилган маълумотларга нисбатан жисмоний ривожланишда бўй узунлиги ўртасида  $3,0 \pm 0,1$  см.га ортда қолаётганлигимизни кўрсатди. Аммо бошқа кўрсаткичлар бўйича деярли фарқлар учрамади.

4. Қисқа масофаларга югурувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ва спорт натижасининг юқори бўлиши нафақат тос-сон болдир мушакларининг ривожланганлигига ва уларнинг портловчанлик кучи даражасига асосланади. Қолаверса, уларда бундай натижаларнинг қайд этилиши спортчининг тўпиқ, тизза, тос, бел, елка ва қўл бўғимлари ҳамда оёқлар панжасини букувчи ва ёзувчи болдир-кафт мушакларининг яхши ривожланганлиги билан боғлиқ. Бунинг учун



югурувчиларга катта амплитудада бажариладиган машқлар асосида оёқ, бел, елка ва қўл бўғими пайларини ривожлантирувчи машғулот услубиятини ишлаб чиқиш зарур.

5. Ўрта масофага югуришга ихтисослашган талаба-спортчиларда уч бўғимли ва бошқа бўғимларни ҳамда оёқнинг букувчи ва ёзувчи мушакларини бир вақтда ва алоҳида ривожлантиришга мўлжалланган интеграл ва локал таъсир этувчи восита ва усулларни ишлаб чиқишни талаб этади. Чунки уларни функционал ва техник тайёргарлиги бўғимлар ва тана мушакларининг яхши ривожланганлиги билан боғлиқ бўлиб, машғулот жараёнида ўртача амплитудада қўллаш, оёқ мушакларини яхши ривожлантириш баробарида депсиниш ва учиш фазаларини самарали ривожлантириш билан функционал тайёргарлигини оширишга қаратилади. Бу эса югуриш тезлиги, қадамлар сони ва узунлигини оширишга ҳамда югуриш каденсининг яхшиланишига ижобий таъсир этади.

6. Узоқ масофаларга югурувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришга қаратилган восита ва усулларни доимий равишда кичик амплитудада қўллаб борилиши, ҳеч шубҳа йўқки, спортчиларнинг тезкор-куч чидамлилигини ва махсус чидамлилигини ошириш баробарида периферик компонентларини прогрессив ривожланиши ҳамда функционал тайёргарлигининг шаклланишига, қолаверса, спорт натижаларининг юксалишига ўз таъсирини кўрсатади.

7. Енгил атлетика бўйича республикамизда ва ҳалқаро спорт мусобақаларида иштирок этиб келаётган спортчилар жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган таълим муассасаларида таълим олувчи талаба-спортчилар бўлиб, улар йиллик тайёргарлик дастуридан ташқари олий ўқув юртларидаги ўқув юкламаларини ҳам ўзлаштириши лозим. Юқоридагиларни инобатга олиб, биз томонимиздан йиллик тайёргарлик юкламаларини иккита микроцикл прогрессив ўсиб боровчи ва битта микроцикл регрессив пасайиб боровчи асосида аэроб, аэроб-анаэроб, анаэроб юкламалар режалаштирилди, уларнинг функционал ҳолати техник-тактик тайёргарли ва жисмоний тайёргарлигини ўсиб бориши таъминланди.

8. Ишлаб чиқилган тайёргарлик дастури бўйича машғулотларда иштирок этган қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларда жисмоний сифатларнинг самарали шаклланиши ва спорт натижаларининг ўсиши тўғридан-тўғри уларнинг комплекс тайёргарлигига боғлиқдир. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, югурувчилар жисмоний тайёргарлиги, функционал ҳолати, техник тайёргарлигини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган кўп бўғимли пампинг усулини қўллаш ва тактик тайёргарлик дастури ва жисмоний сифатларни ривожлантириш машқлари комплекси, педагогик назорат қилиш шкаласини ишлаб чиқиш ижобий натижалар берди. Қисқа масофаларга югурувчиларнинг 100 м. масофага югуриш натижаси тадқиқот бошида  $11,81 \pm 0,87$  с.дан тадқиқот сўнгида  $11,19 \pm 0,78$  с.га юксалди, натижанинг ўсиш фарқи ўртача 0,62 с.га тенг бўлди. Фоиз кўрсаткичлари эса 5,2% ва  $P < 0,05$  га тенг бўлди. Ўрта масофага югурувчи талаба-спортчиларда 800 м. масофага югуриш тажриба бошида  $121,8 \pm 13,4$  с.ни ташкил этган бўлса, тажриба якунига келиб  $112,4 \pm 11,19$  с.га тенг

бўлди. Натижанинг ўсиш фарқи 9,4 с.ни ташкил этиб, 7,7% фоизга натижалар юксалганлигини кўрсатди.  $P < 0,05$ ни ташкил этди. Узоқ масофага югурувчиларда 5000 м. масофага югуриш тадқиқот бошида  $1170,1 \pm 112,3$  с.ни, тадқиқот якунида  $1023,5 \pm 109,6$  с.ни ташкил этди. Бу эса мутлақ ўсиш 146,5 с.га ҳамда 12,5%га ўсишга эришилганлигини ( $P < 0,001$ ) кўрсатади.

9. Демак, тажриба гуруҳида спорт натижалари бундай шаклланишида педагогик тажриба давомида ишлаб чиқилган функционал техник тайёргарликни ривожлантирувчи кўп бўғимли пампинг усули ва тактик тайёргарликни ривожлантириш учун ишлаб чиқилган дастур ҳамда назорат қилиш шкаласи талаба-спортчиларнинг комплекс тайёргарлигини оширишда муҳим методикалардан саналишини тадқиқотда исботланди.

10. Ўтказилган педагогик кузатув тажриба натижаларига асосланган ҳолда югурувчиларнинг техник тайёргарлигини ривожлантириш учун инновацион мобил электрон стартёр ускуна ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида тез ҳаракатларни тасвирловчи технология ёрдамида югуриш техникасидаги хато ва камчиликлар аниқланиб, югуриш техникасини таъминловчи компонентларни такомиллаштиришга ва старт реакцияси турли сигналларни ҳар хил вақтлар оралиғида қўллаш натижасида турли вазиятларда старт, стартдан чиқиш, масофа бўйлаб югуриш техникаси такомиллаштирилди.

11. Ўтказилган педагогик тажриба натижалари шуни кўрсатдики, талаба-спортчиларни югуриш турлари бўйича спорт мусобақаларига тайёрлашда комплекс ёндашув асосида машғулотлар ташкил этилмас экан, юқори спорт натижаларига эришиб бўлмаслиги муқаррар. Бунинг учун талаба-спортчилар билан ўтказиладиган ҳар бир ўқув машғулотини бошқаришда ва назорат қилишда илмий асосда комплекс ёндашилган ҳолда олиб бориш юқори малакали спортчилар захирасини тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

## АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

1. Қисқа масофага югурувчи талаба-спортчиларнинг йиллик тайёргарлик машғулотларида мусобақаларга тайёрлаш тажрибаларини ўрганиш давомида шунга эътибор қаратдикки, йиллик тайёргарлик циклида тренерлар томонидан қўлланилган турли мазмундаги юкламалар ҳажмининг керагидан ортиқ ошиб кетиши ёки бажарилиш шиддатининг меъёридан юқори даражага кўтарилиши спортчиларнинг спорт натижасига тўғридан-тўғри таъсир этади. Бу уларнинг спорт натижалари тушиб кетиши ёки нотекис даражада шаклланишига олиб келади. Шу боисдан югурувчилар учун ишлаб чиқилган тайёргарлик дастури талаба-спортчиларни югуриш жараёнида масофа билан вақт оралиғини хис қилиши ва югуриш маромини назорат қилишга ижобий таъсир этади. Шу боис ишлаб чиқилган методикаларни югурувчилар машғулот жараёнига қўллашнинг тавсия этилиши уларнинг спорт натижаларини юксалишига хизмат қилади.

2. Спринтерларнинг йиллик тайёргарлик машғулотларида қўлланиладиган махсус югуриш машқлари ва старт реакциясини ривожлантирувчи восита-усулларни амалиёт жараёнида тўғри қўлланилмаса,

спорт натижасинини ўсиш динамикаси кузатилмаслиги эҳтимоли мавжуд. Биз юқоридаги омиларни инобатга олиб, “Мобил электрон стартёр” ускунасини ишлаб чиқдик. Ушбу МЭС ускунаси ёрдамида методиканинг қўлланилиши югурувчиларнинг стартдан чиқиш ҳолатидаги старт реакцияси ўзгаришини таъминлади. Унинг натижасида стартдан чиқиш реакцияси спринтерларда 0,465 с.дан 0,209 с.га яхшиланди ва спорт натижасининг ўсиши 11,81±0,87 с.дан 11,19±0,78 с.га ижобий томонга ўзгарди. Ушбу МЭС ускунасини спорт машғулотлари жараёнида қўллаш спортчиларга ўзбек, рус ва инглиз тилда турли вақт оралиғида ва ҳар хил сигналларда бериладиган старт буйруқларини мукамал ўзлаштиришга имкон яратишини инобатга олиб ушбу усқунани амалиёт жараёнига татбиқ этишни тавсия қиламиз.

3. Қисқа, ўрта ва узоқ масофага югурувчи талаба-спортчиларнинг тана таркиби, тана вазни, ёғ массаси, сув ҳажми ва мушак массаси ўрганилиши натижасида бизнинг спортчиларимиз организмида сув миқдори, яъни гидратация ҳажми камлиги аниқланди. Биз юқоридаги тана таркибидаги гидратация даражасини ошириш учун турли мева шарбатлари, кисель, сут, асалли сув ва минерал сувдан тайёрланган турли суюқ ичимликларни катта зонагача юкламаларни бажариш кунлари ва шиддатли максимал ҳамда субмаксимал зонадаги юкламаларни бажариш кунлари олдидан истеъмол қилишга тавсия этилган суюқ ичимликлар қисқа масофага югурувчилар организмида сув миқдорини 51,1±3,8% дан 51,9±3,5% га, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларда эса 44,3±3,5% дан 51,9±3,5% га гидратация даражасини оширади. Бу эса спортчиларнинг ҳажмли ва юқори шиддатли юкламаларни самарали бажариш имкониятини кенгайтиради. Шу боис ушбу мевали дамламалар спортчиларни тайёрлаш амалиёти жараёнига тавсия этиш уларнинг гидратация ҳолати яхшиланишига имкон яратиб, тикланишни тезлаштиришга ёрдам беради. Юқоридагиларни инобатга олиб югурувчиларни тайёрлаш жараёнига ушбу методикани тавсия этамиз.

4. Қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчи талаба-спортчиларни жисмоний, функционал ва техник тайёргарлигини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган “кўп бўғимли пампинг” усули қисқа масофага югурувчиларни машғулот олдида қўйилган вазифаларни хал этишда катта амплитудадаги ҳаракатларни бажариш учун берилган елка, қўл, бел, тос, тизза ва оёқ тўпиғи бўғимларини ривожлантирувчи машқлар мажмуаси амалиёт жараёнига тавсия этилди. Ўрта масофага югурувчи талаба-спортчилар учун тавсия этилган ўртача амплитудадаги ҳаракатларни бажаришда қўлланилган машқлар мажмуаси уларнинг оёқ тўпиғи, тизза ва тос бўғимларини ривожлантириш баробарида функционал тайёргарлиги ва югуриш техникаси такомиллашувини таъминлайди.

Узоқ масофага югурувчилар учун ишлаб чиқилган кичик амплитудадаги ҳаракатларни бажариш машқлар мажмуаси, уларни функционал ва техник тайёргарлигини ривожлантиришда самарали воситалардан эканлигини инобатга олиб, ушбу “кўп бўғимли пампинг” усули югурувчилар машғулот жараёнига тавсия этилади.

5. Қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларни педагогик назорат қилиш шкаласи югурувчиларни дастлабки тайёрлаш, оралик, мусобақаолди ва

мусобақа жараёнларида уларни саралаш, натижаларни олдиндан башорат қилиш ва бошқариш имкониятларини оширади, шу боис ушбу педагогик назорат қилиш шкаласи спортчилар амалиёти жараёнига тавсия этилади.

6. Талаба спортчиларнинг югуриш турларида тактик тайёргарлигини шакллантириш учун ишлаб чиқилган тактик тайёргарлик методикаси югуришга ихтисослашган учинчи разрядли спортчилардан бошлаб халқаро тоифадаги спорт усталарининг турли микроциклларда югуриш тактикасини ўзлаштириши учун тавсия этилади.

7. Енгил атлетикачи талаба-спортчиларни югуриш турлари бўйича мусобақаларга комплекс тайёрлаш учун ишлаб чиқилган методикалар уларнинг йиллик тайёргарлик цикларида жисмоний, функционал, техник ва тактик тайёргарлигини риожлантиришда ва уларни дастлабки тайёргарлик, оралик, мусобақаолди ва мусобақа цикларида нуфузли мусобақаларга саралаб олиш, натижаларини олдиндан башоратлаш ва бошқаришда илмий-оммавий ва назарий жиҳатдан асосланган дастур сифатида югуриш бўйича спортчилар тайёрлаш тизимига тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019. Ped.28.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УЗБЕКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА**

---

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ФИЗИЧЕСКОЙ  
КУЛЬТУРЫ И СПОРТА**

**ОЛИМОВ МУХСИНБЕК СОТИВОЛДИЕВИЧ**

**НАУЧНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПОДГОТОВКИ СТУДЕНТОВ  
ЛЕГКОАТЛЕТОВ В БЕГОВЫХ ВИДАХ**

**13.00.04 – Теория и методика физического воспитания и спортивной тренировки**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (DSc) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Чирчик– 2023**

**Тема диссертации доктора философии (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2022.1. DSc/Ped73**

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете физической культуры и спорта.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный консультант:** **Тажибаев Сойибжон Самижонович**  
доктор педагогических наук (DSc), профессор

**Официальные оппоненты:** **Алламурастов Шухратулла Иноятович**  
доктор биологических наук, доцент

**Кошбахтиев Ильдар Ахмедович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Зотова Фируза Рахматуллоевна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» «\_\_\_\_\_» 2023 года в «\_\_\_» часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. при Узбекском государственном университете физической культуры и спорта (Адрес: Ташкентская область, город Чирчик, улица Спортивная, дом 19. Тел: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, веб-сайт: [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz), e-mail: [uzdjtsu@uzdjtsu.uz](mailto:uzdjtsu@uzdjtsu.uz). Узбекский государственный университет физической культуры и спорта, корпус «Б», 2 этаж, малый зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Узбекского государственного университета физической культуры и спорта (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_), по адресу: 111709, Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Спортивная, дом 19. Тел: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года).

**М.Р.Болтабаев**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.э.н., профессор

**М.Х.Миржамолов**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.ф.п.п.н., (PhD), доцент

**Ф.А.Керимов**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по  
присуждению ученых степеней,  
д.п.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире, повышение конкуренции на соревнованиях по легкой атлетике, как показывает анализ спортивных результатов, требует совершенствования системы подготовки спортсменов на основе новых технологий. Совершенствование комплексной подготовки высококвалифицированных спортсменов в беговых видах легкой атлетики считается одной из важнейших задач в современном мире. Отбор спортсменов в беговых видах на многолетние этапы подготовки и ориентирование в специализацию, планирование тренировочных процессов, подготовка к престижным спортивным соревнованиям все больше привлекают внимание мировой общественности. На различных этапах и периодах годичной подготовки спортсменов такие задачи, как проведение тренировочных занятий, совершенствование физической, технико-тактической, функциональной, психологической подготовленности, поддержание спортивной формы в ходе тренировочной и соревновательной деятельности требуют своевременного решения.

Во всем мире, исходя из поставленных задач в системе подготовки спортсменов, проводятся научные исследования, посвященные отбору и ориентации в узкую специализацию, подготовке к спортивным соревнованиям на различных этапах и периодах подготовки, распределению тренировочных нагрузок с учетом анатомических, физиологических и психологических особенностей их организма, а также рациональному управлению тренировочными занятиями спортсменов. Многими специалистами разработаны перспективные планы годовой и многолетней спортивной подготовки. Однако из года в год на чемпионатах, Кубках мира и Олимпийских играх появляются новые спортсмены, показывающие высокие результаты, что является доказательством разработки на постоянной основе усовершенствованных вариантов тренировочных программ.

В нашей республике физическая культура и спорт, особенно развитие и популяризация олимпийских видов спорта рассматриваются как одно из приоритетных направлений. «Увеличение количества лицензий, дающих право на участие на летних Олимпийских и Паралимпийских играх за счет развития всех видов спорта и обеспечения всесторонней подготовки и успешного участия наших спортсменов в XXXIII летних Олимпийских и XVII Паралимпийских играх, которые состоятся в Париже (Франция) в 2024 г.<sup>1</sup> Как известно, в нашей стране для достижения высоких спортивных результатов и постоянного их совершенствования поставлены задачи по научно-методическому обеспечению спортсменов. Одной из основных задач является подготовка спортивного резерва по беговым видам легкой атлетики, а также отбор в сборную команду из числа

---

<sup>1</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева ПП-№5281 «О комплексной подготовке спортсменов Узбекистана к XXXIII летним Олимпийским и XVII Паралимпийским играм, проводимым в городе Париже (Франция) в 2024 году» от 5 ноября 2021 года. Народное слово 11 ноября, 2021 года. – С. 4.

талантливых и перспективных спортсменов где важное место занимает организация их подготовки с научным подходом.

В результате научных исследований, разработаны методы оптимизации объемов и интенсивности тренировочных нагрузок на короткие, средние и длинные дистанции, распределения нагрузок в аэробном, смешанном и анаэробном режимах, количество выполнения этих нагрузок, но проблемы комплексной подготовки студентов-спортсменов изучены недостаточно. На сегодняшний день научно-педагогическое обоснование рационального распределения компонентов тренировочных нагрузок в комплексной подготовке спортсменов с учетом их индивидуальных особенностей является одной из актуальных проблем в системе подготовки спортсменов.

Настоящая диссертация в определенной степени служит реализации задач поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан № ПП-5281 «О комплексной подготовке спортсменов Узбекистана к XXXIII летним Олимпийским и XVII Паралимпийским играм, проводимым в городе Париже (Франция) в 2024 году» от 5 ноября 2021 года, № ПП-5368 от 5 марта 2018 года «О коренных мерах по улучшению системы государственного управления в сфере физической культуры и спорта» и других нормативно-правовых документах, касающихся данной сферы.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование проводилось в рамках приоритетного направления развития отечественных и научных технологий I.«Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии страны» информированное общество и демократическое государство».

**Обзор зарубежных научно-исследовательских работ по теме диссертации.**<sup>2</sup> В зарубежных высших учебных заведениях, таких как Российский государственный университет физической культуры, спорта, молодежи и туризма [Российская Федерация, Москва], Волгоградская государственная академия физической культуры [Российская Федерация, Волгоград], Национальный университет физического воспитания и спорта Украины [Киев, Украина], Британский институт спорта [Великобритания], Майнцский университет имени Йоханнеса Гуттенберга [Германия], Санкт-Петербургский национальный государственный университет физической культуры, спорта и здоровья имени П.Ф.Лесгафта [Санкт-Петербург], столичный университет Кардифф [Великобритания], где проводились научные исследования по комплексной подготовке легкоатлетов на различных этапах многолетней системы подготовки спортсменов.

---

<sup>2</sup> Обзор зарубежных исследований по теме диссертации был проведен на базе следующих сайтов: [www.lesgaft.spb.ru/](http://www.lesgaft.spb.ru/); [https://www.sportedu.ru./](https://www.sportedu.ru/); <https://science.sportedu.ru/>; [https://wiki5.ru/wiki/English\\_Institute\\_of\\_Sport](https://wiki5.ru/wiki/English_Institute_of_Sport); <https://euni.ru/vuzy/germaniya/rejnland-pfalts/majnts/uni-mainz>; <http://unifirst.ru/ru/>; <http://lesgaft.spb.ru/>.



